

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси

Пардаев Ботир Рахматуллаевич

**Минтақаларнинг туристик-рекреацион салоҳиятидан
самарали фойдаланиш имкониятлари
(Жиззах вилояти мисолида)**

5A810105 – «Халқаро туризм операторлик хизмати» мутахассислиги
мутахассислиги бўйича магистр даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари номзоди
Ибадуллаев Н.Э.

САМАРҚАНД – 2012

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
1-БОБ. ТУРИЗМ ВА ТУРИСТИК МАҲСУЛОТ ТУШУНЧАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ	7
1.1. Туризм ва туристик маҳсулотларнинг ижтимоий- иқтисодий мазмуни ва турлари.....	7
1.2. Туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва омиллари.....	12
1.3. Ўзбекистонда туризмнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.....	17
2-БОБ. ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ИМКОНИАТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ.....	22
2.1. Вилоят ҳақида умумий маълумот ва унинг республикамиз халқ ҳўжалигида тутган ўрни.....	22
2.2. Вилоятда туризмнинг моҳияти ва уни ривожлантириш муаммолари.....	25
2.3. Вилоятда туризмни ташкил этишда туристлар хавфсизлигини таъминлаш.....	32
3-БОБ. ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИЯ САЛОҲИАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	41
3.1. Вилоятнинг маданий-тарихий туристик ресурслари салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари.....	41
3.2. Вилоятнинг рекреация-экотуристик ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш	54
3.3. Вилоятда туризмни ривожлантириш истиқболлари.....	60
Хулоса ва таклифлар.....	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Туризм миллатларни бир-бирига яқинлаштирадиган, турли даврларда, турли хилдаги халқларнинг маданияти, дини, эътиқоди, тарихи, табиатини ўрганадиган, шунингдек инсонларнинг хордиқ чиқариб даволанишларини таъминлабгина қолмай, балки иқтисодийётнинг ўсиш даражасини тезлаштиришга хизмат қиладиган тармоқ сифатида шаклланиб бормоқда. Жаҳонда туризмнинг барча турлари ривожланиши билан бир қаторда баъзи мамлакатлар миллий иқтисодийётининг асосини ташкил қилади.

Хизматлар тизимида туризм алоҳида аҳамият ва ўринга эга. Чунки туризм, том маънода айтадиган бўлсак, инсоният тамаддунининг маҳсули. У бутун жаҳон бўйича муттасил ривожланиб келмоқда. Ушбу фаолият инсониятнинг вужудга келиши билан боғлиқ фаолият бўлганлиги туфайли у фан сифатида шаклланди ва ривож топмоқда. Шу туфайли мазкур тушунча ўзининг назарий ва амалий талқинига эга бўлди. Уни атрофлича изоҳлаш учун унга одамларнинг ҳаракати, иқтисодий категория, сиёсий вазият, фаол дам олиш каби нуқтаи назарлардан қараш ва изоҳлашни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримов 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида – «мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 37 фоиз ўрнига 50,5 фоизни ташкил этди»¹ деб таъкидладилар. Демак, хизматлар соҳасини жумладан, мамлакатимиз туризмини ривожлантириш орқали туристик фаолиятни яхшилаш ва ички бозорда рақобатни кучайтириш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш замон талаби бўлиб қолмоқда. Мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, республикаимиз минтақаларида туристик-

¹Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси. 2012 йил 20 январь, №14.

рекреация ресурсларидан самарали фойдаланишни асослаб бериш вазифасини қўяди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон ва хорижий олимлар туризмни ривожлантириш муаммолари доирасида унинг турли жихатлари билан шуғулланганлар. Булар жумласига М.Б.Биржаков, В.С.Боголюбов, В.П.Орловская, С.А.Быстров, М.Г.Воронцова, Ю.Ф.Волков, С.А.Севастьянова, В.С.Сенин, А.Д.Чудновский, Т.Т.Христов, маҳаллий олимлардан И.С.Тухлиев, Н.Т.Тухлиев, М.Қ.Пардаев, А.Н.Норчаев, Б.Тўраев, М.Р.Усмонов, Д.К.Усманова, Х.М.Маматқулов, М.Хошимов, Р.Ҳайитбоев, Н.Э.Ибадуллаев ва бошқа кўплаб олимлар ҳам ўзларининг илмий таклифлари билан республикамиз туризмдаги муаммоларни бартараф этишнинг назарий-амалий асосларини яратилишига муҳим ҳисса қўшишган. Лекин Жиззах вилоятининг туристик-рекреация ресурслари салоҳиятидан самарали фойдаланиш устида шу кунгача яхлит илмий изланиш амалга оширилмагандир.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади туризмни ривожлантиришда туристик-рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш таҳлилига доир илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Бу мақсадга эришиш учун диссертация ишида қуйидаги вазифалар бажарилиши мақсад қилиб олинган:

- туризм ва туристик маҳсулотларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва турларини аниқлаш;
- туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва омилларини ўрганиш;
- Жиззах вилоятида туризмнинг моҳияти ва уни ривожлантириш муаммоларини аниқлаш;
- Жиззах вилоятнинг маданий-тарихий туристик ресурслари салоҳиятидан фойдаланиш имкониятларини таҳлил этиш;
- Жиззах вилоятининг рекреация ресурслари ва улардан самарали фойдаланишни ўрганиш;

- Жиззах вилоятида туризмни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот предмети. Тадқиқотнинг предмети бўлиб туристик-рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объекти бўлиб, Жиззах вилоятида фойдаланилаётган туристик ресурслар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация ишида Жиззах вилояти туризмида туристик-рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммоларини бартараф этиш борасида қуйидагилар ишлаб чиқилди:

- туризм ва туристик маҳсулотларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва турларини аниқлади;
- туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва омилларини ўрганилди;
- Жиззах вилоятида туризмнинг моҳияти ва уни ривожлантириш муаммоларини аниқланди;
- Жиззах вилоятнинг маданий-тарихий туристик ресурслари салоҳиятидан фойдаланиш имкониятларини таҳлил этилди;
- Жиззах вилоятининг рекреация ресурслари ва улардан самарали фойдаланишни ўрганилди;
- Жиззах вилоятида туризмни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти. Диссертация ишида берилган таклифлар амалий жиҳатдан Ўзбекистон минтақаларида туристик–рекреация ресурсларидан самарали фойдаланишга тусиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий ва амалий ишларни амалга оширишга ва ташкиллаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Тадқиқот ишининг апробацияси. Мазкур диссертация иши юзасидан муаллиф томонидан республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда маърузалар қилинган ва 5 та 2,5 б.т. ҳажмда тезислар chop этилган.

Диссертация ишининг таркибий тузилиши. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. ТУРИЗМ ВА ТУРИСТИК МАҲСУЛОТ ТУШУНЧАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ

1.1. Туризм ва туристик маҳсулотларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва турлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ТМ 2006 йил 17 апрел куни имзоланган қарорида хизмат ва сервиснинг барча соҳаларини хусусан, туризмни ҳам ривожлантиришнинг асосий йўналишларини кўрсатиб бердилар. Бу қарор қарорнинг аҳамияти аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг фаровонлигини оширишга, хизмат кўрсатиш тармоқлари ва сервис соҳасида олиб борилган ислохотларни янада чуқурлаштиришга, ушбу соҳани эркинлаштириш ва ривожлантириш учун тегишли шароитларни яратишга қаратилганлиги билан белгиланади.

Хизматлар тизимида туризм алоҳида аҳамият ва ўринга эга. Чунки туризм, том маънода айтадиган бўлсак, инсоният тамаддунининг маҳсули. У бутун жаҳон бўйича муттасил ривожланиб келмоқда. Ушбу фаолият инсониятнинг вужудга келиши билан боғлиқ фаолият бўлганлиги туфайли у фан сифатида шаклланди ва ривож топмоқда. Шу туфайли мазкур тушунча ўзининг назарий ва амалий талқинига эга бўлди. Уни атрофлича изоҳлаш учун унга одамларнинг ҳаракати, иқтисодий категория, сиёсий вазият, фаол дам олиш каби нуқтаи назарлардан қараш ва изоҳлашни талаб қилади.

Туризмга одамларнинг ҳаракати нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, уларнинг бир жойдан иккинчи жойга ёки бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга вақтинча бориб келиши тушунилади.

Ушбу тушунчага иқтисодий категория сифатида қаралса туризм туристларни қабул қилувчи мамлакат учун фойда келтирувчи иқтисодий жараён сифатида намоё'н бўлишини таъкидлаш мумкин.

Туризмга сиёсий вазият нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, у сиёсий жиҳатдан барқарор, тинчлик ва тотувлик ҳҳқумрон бўлган жойда, мамлакатда содир бўлиши бўлиши тушунилади. Туризмдан фойда кўришни хоҳлаган мамлакат биринчи галда туризм объектларига эга бўлиш билан бирга ўз мамлакатада сиёсий барқарорликни таъминлаган, бошқа жойдан сайёҳларнинг бемалол келиб-кейтиши учун тегишли шароитни яратган бўлиши лозим. Агар туризмга **одамларнинг фаол дам олиши** нуқтаи назаридан қарайдиган бўлса, уларнинг бўш вақтларида ўзлари яшайдиган жойдан бошқа жойда дам олиши учун бориши, дўстлари, қариндошларини кўриб келиши, табиат ва ҳайвонот олаmidан баҳраманд бўлиш мақсадида тоғларга ва боғда хушманзара жойларга бориши каби жараёнларни киритиш мумкин.

Туризм инсонлар фаолиятининг бир тури бўлиб, бир томондан ижтимоий муносабатларни ўзида ифода этса, иккинчи томондан, маълум ўзига хос хусусиятларга эга бўлган сервис соҳасининг мустақил тармоғидир. Шу туфайли унга бир томонлама ёндошиб, талқин қилиб бўлмайди.

Туризмни. тўлиқ ифода этиш учун унда иштирок этадиган субъектларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Бу борада олимлардан В.А.Квартальнов туристик объектларга тўртта субъектни киритади:

- туристлар;
- туристик ва хизмат товарларини берувчи ташкилотлар;
- маҳаллий ҳукумат органлари;
- қабул қилувчи мамлакатлар.

Биз туристик субъектларга яна бир гуруҳни. яъни туристлар кўрадиган туристик объектларни қушишни тавсия қиламиз. Чунки туристлар ҳамма жойга ёки мамлакатга боравермайди. Улар шундай жойларни танлайдики, қайсики у ерда туристларни қизиқтирадиган объектлар мавжуд бўлиши лозим. Масалан, Ўзбекистонга туристлар хорижий мамлакатлардан тарихий обидаларни кўриш мақсадида ташриф буюрса кўпроқ Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига боради. Мустақиллик объектларини кўрмокчи бўлса, албатта мамлакатимизнинг ҳамма шаҳар ва вилоятларида бундай объектлар мавжуд, лекин кўпроқ Андижон,

Тошкент каби йирик шаҳарларга боришни афзал кўради. Демак, қайси мақсад билан саёҳатга чикса туристлар учун ўша мақсадига жавоб берадиган туристик объектларнинг бўлиши лозим.

Туристик фаолиятнинг содир бўлиши айнан ана шундай унсурларнинг мавжуд бўлишини тақозо қилади. Буларни қисқача қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Туристлар деганда туристик фаолиятда иштирок этиш орқали ўзларининг маънавий, руҳий ва жисмоний эҳтиёжларини қондириш мақсадида уюшган одамлар гуруҳи тушинилади.

Уларнинг маънавий, жисмоний ва руҳий эҳтиёжларини қондириш учун туристик товарлар ва хизматлар лозим бўлади. Бу хизматлар осмондан тушмайди. Уни қандайдир шу соҳа билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга оширилади. Бу эса туристик товарлар ва хизматлар кўрсатадиган ташкилотларнинг кимлигини билишни тақозо қилади.

Туристик товарлар ва хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар деганда маълум иқтисодий фойда олиш мақсадида туристик бозор талабига мос товар ва хизматлар кўрсатадиган туристик фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар тушинилади.

Туризм маълум ҳудудларда амалга оширилади. Шу туфайли уни тартибга солиб туришда маҳаллий ҳокимиятлар иштирок этади. Шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, маҳаллий ҳокимият органлари деганда маҳаллий бюджетга солиқ тушумига мўлжалланган иқтисодий фаолият билан шуғулланишга қаратилган туризм бизнесига тегишли шароит яратиб берувчи маҳаллий ташкилот тушинилади.

Қабул қилувчи мамлакат бўлиб туристик объектлари мавжуд бўлган ўз аҳолиси бандлигини туризмга хизмат кўрсатиш орқали таъминлайдиган мамлакат ҳисобланади. Шу жиҳатдан унинг ҳам таърифини бериш мақсадга мувофиқдир.

Туристтик объектлар дейилганда мамлакат ичида одамлар диққатини тортадиган тарихий обидалар, буюк шахслар қадамжолари, музейлар каби тарихий, маънавий ва маърифий аҳамиятга молик объектлар тушунилади.

Агар ушбу келтирилган таърифлардан келиб чиқадиган бўлсак, туристик фаолиятнинг содир бўлиши учун туристларнинг, туристик объектларнинг, туристик товарлар, уларнинг сотилиш усуллари, маҳаллий ҳокимият ва туристларга хизмат килувчи аҳолининг мавжудлиги, улар ўртасидаги иқтисодий-ижтимоий ва ҳукукий муносабатларнинг содир бўлиш жараёни таъминланиши лозим. Шу жиҳатдан туризм мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва ҳукукий муносабатлар мажмуасини ўзида қамраб олган мустақил соҳа сифатида намоён бўлади. Мана шу назарий талқинлардан келиб чиқиб туризмга таъриф бериш мумкин.

Туризм деганда одамларнинг ўзлари доимий яшаб турган жойидан ёки мамлакатидан бошқа жойга ёки мамлакатга бўш вақтини мазмунли ўтказиш, дам олиш, соғломлаштириш, иш юзасидан айрим масалаларни ҳал қилиш каби мақсадлар учун вақтинча бориб келиши тушунилади.

Соф иқтисодиёт нуқтаи назаридан туризм одамларнинг бир жойдан иккинчи жойга ёки бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга дам олиш ва сайр қилиш каби мақсадлар учун бориб келиши жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуаси сифатида қаралади. Бунга борган жойида пул топиш мақсадида ишлаш учун кетган ва хизмат сафарига юборилган кишилар кирмайди.

Шундай қилиб, туризм аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга пул топиш мақсади учун эмас, балки маънавий, руҳий ва жисмоний ҳордик чиқариш мақсадида қилган ҳаракатларидир. Бундай ҳаракатни содир қилиш туристларни қабул қилиш учун Ўзбекистонда йирик салоҳият мавжуд. Гап бундай салоҳиятдан самарали фойдалана олишда.

Ҳозирги пайтда туризмнинг тан олинган 3 та гуруҳи мавжуд:

- халқаро туризм;

- миллий туризм;
- ички туризм.

Туризмнинг ушбу турларининг ҳар бирининг ўзига хос таърифлари мавжуд.

Халқаро туризм деганда бир мамлакатга иккинчи бир хорижий мамлакатдан келган туристлар ва шу мамлакатдан бошқа бир хорижий мамлакатларга бориб келган туристлар тушунилади. Агар буни Ўзбекистон мисолида кўрадиган бўлсак, мамлакатимизга бошқа хорижий мамлакатлардан келган ва бизнинг мамлакатимиздан бошқа хорижий мамлакатларга чиқиб кетган туристлар йиғиндисидир.

Миллий туризм деганда бир мамлакат туристларининг бошқа хорижий мамлакатларга бориб келиши ва ўз мамлакатининг ичида бир жойдан иккинчи жойга туристик мақсадлар билан ҳаракат қилиши тушунилади. Масалан, Ўзбекистонликларнинг бошқа хорижий мамлакатларга бориши уларнинг бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга туристик мақсадлар билан ҳаракати тушунилади.

Ички туризм деганда бир мамлакат ичида ўзининг ва хорижий туристларнинг ҳаракати тушунилади. Мамлакатимиз нуқтаи назаридан ички туризмга мамлакатимизга хориждан келган туристлар ва ўзимизнинг фуқароларимизнинг бир жойдан, иккинчи жойга туристик мақсадлар билан бориб-келишидир.

Туристлик мақсадлар дейилганда бўш вақтини мазмунли ўтказиш, дам олиш, соғломлаштириш, меҳмонда бўлиш, иш юзасидан айрим масалаларни ҳал қилишга қаратилган мақсадлар тушунилади. Борган жойида пул топиш мақсадида ишлаш учун кетган ва хизмат сафарига юборилган кишиларнинг мақсади туристик мақсадларга кирмайди.

Буни шартли бир мисол билан тушунтиришимиз мумкин. Масалан, Ўзбекистонга 2007 йилнинг биринчи чорагида туристик ҳаракатлар бўйича қуйидаги натижаларга эришилди:

- мамлакатимиздан туристик мақсадлар билан чиқиб кетганлар сони -

85,0 минг киши;

- мамлакатимизга туристик мақсадлар билан кириб келганлар сони - 100,0 минг киши;
- мамлакатимиз ичида туристик мақсадлар билан ҳаракат қилганлар сони - 150,0 минг киши.

Ушбу маълумотлар асосида аниқлайдиган бўлсак,

- халқаро туризм $85,0 + 100,0 = 185,0$ минг киши;
- миллий туризм $85,0 + 150,0 = 235,0$ минг киши;
- ички туризм $100,0 + 150,0 = 250,0$ минг киши.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда туризмнинг барча турлари мавжуд экан.

Эндиги асосий вазифалардан бири, сайёҳлик ва саёҳат тушунчалари ўртасидаги боғлиқлик ва ўзига хос хусусиятларни ҳам аниқлаб олишдан иборатдир.

Туризмнинг тематик жиҳатдан ҳам бир қанча хиллари мавжуд. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тарихий обидалар ва тарихни урганишга қаратилган туризм;
- диний туризм;
- этнографик туризм;
- Табиат қўйнига қилинадиган экологик туризм;
- таълим олиш билан боғлиқ туризм;
- спорт ва бошқа фаол дам олиш билан боғлиқ туризм.

Туризмнинг ушбу турлари бўйича ҳам тегишли маршрутларни ташкил қилиш мумкин. Буларнинг қўлланилиши бевосита туристик жараён амалга оширилаётган ҳудудларга боғлиқ.

1.2. Туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва омиллари

Туризм бошқа соҳаларга нисбатан тез тараққий этадиган тармоқдир, чунки бу соҳа мамлакатимиз учун унчалик катта инвестицияни талаб қилмасдан ривожланиши мумкин бўлган соҳадир. Бошқа соҳалар, жумладан

хаво, темирйул, автомобил транспорти, овқатланиш ва савдо шаҳобчалари, меҳмонхоналар ривож топса ўша жойда туристик объектлар мавжуд бўлса бемалол туризмни ривожлантириш мумкин.

Туризм соҳасидаги мутахассисларнинг фикрича, у XXI асрда дунё миқёсида энг устувор фонд келтирувчи соҳага айланади. Ҳозир у дунё бўйича автомобилсозлик ва нефтни қайта ишлаш соҳасидан кейин учинчи ўринни эгаллаб турибди. Бу соҳа дунё саноати ва қишлоқ, хўжалигидан ўзиб кетдилар.

Туризмнинг тез ривожланишига яна бир сабаб, у юқори даражадаги катта илмий тадқиқот харажати (научноёмкий) ва қувватни кўп сарф қиладиган (энергоёмкий) технологияни талаб қилмайди. Бирок, туризм бошқа соҳаларни ривожлантиришни тақозо қилади. Шу туфайли ушбу соҳа билан кўпгина хизмат кўрсатувчи ва сервисни ташкил этиш соҳалари бир-бири билан узвий боғлиқ, равишда ривож топмоғи лозим.

Туризмнинг юқори даромад келтирувчи соҳа бўлганлиги туфайли кўпгина давлатлар ва тадбиркорлар унинг ривожланиши учун катта эътибор бермокдалар. Улар янги-янги меҳмонхоналарни кўрмокда, эскиларини реконструкция қилиб таъмирламокда, қайсики уларни ҳам жаҳон стандартлари талабларига мослаштирмокда. Бунга биргина Самарқанд шаҳрида кўрилган ўнлаб шахсий меҳмонхоналарни мисол келтириш мумкин. Улар ҳеч кимнинг таъзики ёки кўрсатмасисиз ўз ташаббуслари билан кўрилган объектлардир. Мақсади шу соҳани ривожлантириб катта фойда олиш. Бу эса ўз навбатида, туризмни ривожлантириш учун энг муҳим омиллардан биридир.

Туристларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида дунё тамаддуни ва тарихий обидалар намуналарини қайта тиклаш ва асл ҳолига келтириш учун ҳам катта эътибор берилмокда. Масалан, Самарқандда «Бибихоним» мажмуасининг қайта тикланиши, Имом Ал-Бухорий, Мотрудий каби алломаларимиз мажмуаларининг кайтадан барпо қилиниши кабилар буларга мисол бўла олади.

Бу соҳани ривожлантириш учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ҳам катта эътибор берилмокда. Мамлакатимизнинг бир қанча олий ўқув юртларида

(ЎЗМУ, ТДИУ, ЎзДЖТУ, СамИСИ кабилар) туризм, халқаро туризм, туризм менежменти, туризм операторлиги хизматларини ташки этиш, туризм маркетинга каби ўқув йўналишлари бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Буларнинг ҳаммаси келажакда мамлакатимизда туризмнинг ривожланиши учун асосий омиллардир.

Туризмнинг ривожланишига нафақат даромад келтирувчи иқтисодий, балки катта ижтимоий соҳа деб ҳам қараш лозим. Агар халқаро туризм ўз ривожини топса халқлар ўртасидаги маданий ва маърифий алоқаларнинг мустаҳкамланишига, турли миллатларнинг дўстлашишига, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига, охир-оқибатда дунёда тинчликнинг қарор топишига ҳам муҳим омил бўлади.

Бутун Европа бирлашди ва бирлашмоқда. Бу эса бир томондан шу жараёни тезлатса, иккинчи томондан, туризмнинг ривожланишига катта омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирги пайтда бутун дунё туристларининг 70 фоизи фақат шу Европа мамлакатларига тўғри келса, бутун Осиё, Африка ва Австралия мамлакатларига эса, унинг атиги, 10 фоизигина тўғри келмоқда. Бу мамлакатларда туризмнинг тез ривож топмаганлигининг асосий сабабларидан бири, Европа андозалари даражасида хизматнинг ташкил қилинмаганлиги, экологик ва сиёсий муҳитнинг маълум даражада барқарор эмаслиги, сув ва ҳавонинг тўлиқ талабга жавоб бермаслигидир.

Бундай муаммолар Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Агар туристлар тарихий обидаларни томоша қилиш билан бирга ёз пайтларида чўмилиш ва соф ҳавода сайр қилишни мақсад қилиб қўйса, биринчи йўналиш бўйича тегишли обидаларни, туристик объектларни топишимиз мумкин. Аммо чет мамлакатлардан келиб бемалол чўмиладиган сув ҳавзаларимиз. мириқиб дам оладиган, экологик жиҳатдан тўлиқ талабга жавоб берадиган боғ, сунъий ўрмонларимиз етарли эмас. Албатта, тоза ҳавоси, экологик жиҳатдан барча талабларга жавоб берадиган бетакрор табиати ва иклимига эга бўлган тоғларимиз бор. Аммо улар туристик объектлар қаторига киритилмаган ва туристик маршрутда ўз ифодасини топмаган. Бунинг устига тоғларда туристларга сервис хизмати деярли ташкил қилинмаган.

Булардан кўриниб турибдики, туризмни ривожлантириш учун ўзимизда ҳали анча ишларни амалга оширишимиз лозим экан.

Туризмни ривожлантиришнинг яна бир муҳим омиллардан бири бу соҳада рекламани йўлга қўйишдир. Аммо мамлакатимизда бу соҳа ҳам жуда оқсоқ ҳолатда. Бир томондан бу реклама маълум маблағни талаб қилади. Маблағ эса, туристик ташкилотлар ҳали ривожланиб улгурмаганлиги туфайли, камлик қилмоқда. Оқибатда бу соҳа, айникса диққатга сазовор янги-янги туристик объектлар аҳолининг, туристларнинг диққат эътиборига тушмасдан қолиб кетмоқда. Ўзимизда мавжуд бўлган кўпгина туристик объектларни нафақат хорижий, ҳатто ўзларимиз ҳам тўлиқ билмас эканимиз.

Мустақиллик йилларида бир қанча аллома ва авлиёларимизнинг қадамжойлари, қабр-мақбаралари қайтадан кашф этилди. Аммо уни ҳам аҳолининг аксарият қисми билишмайди. Масалан, Тайлоқ туманида Хўжа Дарун, Ургут туманида Имоми Аъзам, Бахмал туманида Мир Сайд Халил, Ғаллаорол туманида Садир Ваққос каби авлиё ва алломаларимизнинг мақбаралари тикланди, йирик мажмуалар қурилди. Бу рўйхатни яна ҳам давом эттириш мумкин эди. Буларнинг ҳаммаси диққатга сазовар, тарихий аҳамиятга молик, маънавиятимизнинг тарихий илдизларидан далолат берувчи обидалардир. Аммо бу обидалар туристик маршрутга, диққатга сазовор объект сифатида киритилмаган. Бу жойларга фақат ерлик аҳоли зиёратга борадилар, холос. Уша жойларнинг тарихини, унинг барча қирраларини аҳолига тушунтириб берадиган гитларнинг йўқлиги ҳам бу жойларнинг туристлар эътиборидан четда қолиб кетишига асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда.

Демак, туризм комплексини ривожлантиришда асосий йўналишлардан бири унга хизмат қиладиган кадрлар салоҳиятини ҳам шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бунинг ичида халқаро андозалар даражасида хизмат кўрсатадиган сервис соҳаси, гитлар каби мутахассисларга алоҳида аҳамият бериш лозим, деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб, мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун турли йўллар, восита ва омиллар борки, улардан тадбир билан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Буларнинг шакли қўйидагилардан иборат.

1. Туризмга хизмат қилувчи соҳаларни ривожлантириш. Буларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳаво, темирйўл, сув ва автомобил йўлларини;
- савдо ва умумий овқатланиш соҳасини;
- маиший хизмат ва меҳмонхоналарни.

2. Тарихий обидаларни асраб-авайлаш, янгиларини барпо этиш ва эскиларини реконструкция қилиш. Буларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатимиздаги қўпгина тарихий обидаларни асл ҳолига келтириш;
- буюк зиёратгоҳларни янгидан барпо этиш (Имом ал-Бухорий, Мотрудий, Ал-Фарғоний каби);
- тарихий обидаларни реконструкция қилиш, қайта таъмирлаш (Шоҳи Зинда мажмуи, Хожа Аҳрори Вали мақбараси ва масжиди, Ат-Термизий мажмуаси кабилар.

3. Туризм соҳаси учун юқори малакали кадрлар салоҳиятини барпо қилиш. Буларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- олий ўқув юртларида бакалавр ва магистрлар тайёрлаш;
- касб-хунар коллежларида кичик кадрларни тайёрлаш;
- хорижий мамлакатларда малакасини ошириш.

4. Мамлакатда сиёсий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш. Буларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- терроризм хавфини бартараф қилиш;
- аҳолининг тинчлигини, турли ички низоларнинг бартараф қилинишини таъминлаш;
- туристларнинг, уларнинг мулканинг хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш;
- туристларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминловчи қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг яратилиши ва амалга оширилиши.

5. Туризмни тарғиб қилувчи рекламани йўлга қўйиш. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- туризм бўйича оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;
- ижтимоий рекламаларни кўча ва хиёбонларда ташкил қилиш ;
- турли буклетлар плакатлар, таркатиш.

Юқорида келтирилган далиллар туризмни ривожлантиришнинг айрим йўналишларидир. Туризм ўта мураккаб ва серқирра соҳа. Унинг қанча жабҳаси кўп бўлса муаммоси ҳам шунча кўпдир. Шу туфайли уни ривожлантириш учун ҳам ҳар бир аниқ ҳолатда аниқ муаммоларни ҳал қилишга тўғри келади. Шу туфайли туризмга мамлакатимизда иқтисодиётнинг асосий соҳаси деб қараб, унга катта эътибор берилиши лозимдир.

1.3.Ўзбекистонда туризмнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари

Ўзбекистонда туризмнинг шаклланиши ва ривожланишига асосий эътибор мустақилликка эришгандан кейин бошланди. 1992 йил 27 июлда Ўзбекистан Президенти Ислом Каримов «Ўзбектуризм» миллий компаниясини ташкил қилиш тўғрисида» ги Фармониға имзо чекди. Мазкур фармоннинг ижросини тахминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси шу йилнинг 20 октябрида «Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятини ташкил қилиш масалалари тўғрисида» ги 424-сонли қарорини қабул қилди. Бу ҳужжатлар мамлакатимизда миллий туризмни ташкил қилиш учун асос бўлдилар. Шундай қилиб, мустақилликнинг биринчи йилларидаёқ ўзимизда туризм соҳаси бўйича мустақил миллий ташкилот барпо қилинди.

Мазкур ташкилот энди ўз уставига эга бўлиши керак эди. Бу борада ташкилий гуруҳ мазкур ҳужжатни ҳам тайёрлади ва 1993 йилнинг 15 феввалида «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Уставини тасдиқдаш тўғрисида» 82-сонли қарорини қабул қилди. Бу ҳужжат миллий туризмнинг ҳуқук ва мажбуриятларини аниқлаб, асосий фаолият доирасини белгилаб берди.

Мамлакатимизда туризм соҳаси бўйича миллий компанияни ташкил бўлиши уни халқаро майдонга чиқиш имкониятини берди. 1993 йилда

Ўзбекистон Республикаси Жаҳон туризм ташкилотининг аъзолигига қабул қилинди. Бу мамлакатимизда туризмни ривожлантириш заруриятини туғдирди. Чунки бу соҳа ҳам иқтисодийёт соҳасининг ажралмас қисми сифатида мамлакат иқтисодий қудратининг юксалишига ҳисса қўшиши лозим эди.

Аста-секинлик билан мамлакатимиз туризм соҳаси бўйича халқаро нуфузли ташкилотлар анжуманлари ўтказиладиган масканга айлана бошланди. 1994 йилда Тошкентда БМТ ва ЮНЕСКО кўмагида Жаҳон туризм ташкилотининг "Ипак Йўли" деб номланадиган халқаро семинари ўтказилди.

Булардан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимизда туризм соҳаси тез ривожланиш палласига кириши билан бирга у халқаро майдонга бутун жаҳон ҳамжамияти билан алоқага чиқди. Шундай қилиб, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари кетма-кет равишда қабул қилина бошланди. 1995 йил 2 июнда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг Буюк ипак йўлининг шаклланишида иштирокини фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш тўғрисида» ги УП-1162 фармони эълон қилинди. Шу йилнинг 3 июнида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратиш чоралари тўғрисида» ги 210-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу фармон ва ҳукумат қарорлари миллий туризмнинг халқаро майдонга чиқиши учун етарли даражада меъёрий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Бу тадбирлар учун бизда тегишли асослар мавжуд эди. Зеро, мамлакатимиз бой туристик ресурсларга эгадир. Унинг табиий иқлими, соғломлаштириш масканлари, тарихий ва маданий обидалари, маърифий ва ижтимоий-маиший объектлари албатта хорижлик меҳмонларни қизиқтириши табиий. Бундан ташқари туризм соҳаси, иқтисодийёт учун муҳим тармоқ ҳисобланиши билан бирга давлатлар ўртасида маданий-маърифий муносабатларни мустаҳкамлайди, халқлар ўртасида эса дўстлик ришталарини боғлайди.

Шу йилларга келиб бевосита мамлакатимиз раҳбариятининг ташаббуси ва сайъ мақсадлари билан "Буюк Ипак Йўли" ни танланг.¹ масаласи халқаро майдонда муҳокама қилина бошланди ва 1995 йилнинг октябр ойида Ипак Йўлида

жойлашган мамлакатлар вакиллари иштирок этган дастлабки "Ипак йўли бўйлаб" деб номланган дастлабки туристик ярмаркаси ўтказилди. Бу ярмаркага мамлакатимиз вакиллари ҳам ўзларининг туристик маҳсулотлари билан иштирок этиб халқаро майдонга чиқишнинг яна бир қанча имкониятларини қўлга кирита бошлади.

Мазкур соҳа нафақат мамлакатимиз, балки бутун жаҳон ҳамжамияти учун ҳам муҳим соҳалардан бири сифатида баҳоланди. Бунда ўз ўрнимиз ва мавқеимизни мустаҳкамлашга ҳам киришдик. 1997 йилда "Ўзбектуризм" Миллий компанияси экспертлари иштирокида "Ўзбекистонда туризмни барқарор ривожлантириш режаси" ишлаб чиқилди. Ушбу режа унинг барча соҳаларини қамраб олган ва узок муддатга мўлжалланган режа эди.

Ушбу соҳанинг ўта муҳимлигидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси маълум тажрибаларни умумлаштириб 1998 йилда "Туристлик корхоналар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида" ги 346-сонли қарорини қабул қилди. Энди туризм соҳасида давлат акциядорлик мулкига асосланган корхоналар билан бирга хусусий мулкка асосланган корхоналар ҳам вужудга келди. Бу эса мазкур соҳада рақобат муҳитини вужудга келтирди. Натижада шу 1998 йилда «Хусусий туристик ташкилотлар ассоциацияси» ташкил қилинди.

Ушбу соҳа мамлакатимиз Президенти ва Ҳукуматининг диққат-эътиборида бўлиб келди. 1999 йил 15 апрелда Президентнинг «Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача мўлжалланган давлат дастури тўғрисида» ги УП-2286-сонли Фармони эълон қилинди. Ушбу фармон мамлакатимизда миллий туризмни ривожлантиришнинг аниқ чора-тадбирларини белгилаб берди. Шундай қилиб, мамлакатимизда миллий туризм ривожланиши учун яна бир муҳим давлат Дастури қабул қилиндики, бу ушбу соҳанинг ривожи учун муҳим босқич бўлди. Энди шундай вазият етилдики, туризм соҳаси бўйича тўпланган тажрибалар ушбу соҳа учун махсус қонун қабул қилишни тақозо қилди. Шундай қилиб, 1999 йил 20 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Туризм тўғрисида» ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 20 августдаги «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш ҳақида» ги қарори билан матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилиши белгилаб қўйилди.

Мазкур қонуннинг мақсади туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонунуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Ушбу қонун 22 моддадан иборат бўлиб, шу соҳанинг барча қисмларининг асосий йўналишларини ўзида қамраб олган.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун хорижий мамлакатлардан инвестициялар ҳам кириб кела бошлади. Натижада 2000 йилнинг 17 ноябрида Вазирлар Маҳкамасининг «Самарқанд шаҳрида «Афросиёб» меҳмонхонасини, Бухоро шаҳрида «Бухоро» меҳмонхонасини бошқаришни хорижий менежментга бериш тўғрисида» ги 449-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу туристик комплекслар Германиянинг “Инпро” компанияси бошқарувига берилди.

2001 йилнинг 16 мартда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 ноябрда қабул қилинган 449-сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» ги 131-сонли қарори қабул қилинди. Бунда хорижий инвесторларнинг иштироки ушбу соҳада янада кенгайгаши эътироф этилган.

Ўзбекистонда туризм соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилаётган ютуқлари учун "Ўзбектуризм" Миллий компанияси Туризм ва меҳмонхона иши бўйича бериладиган халқаро XXVI мукофотини қўлга киритди ва шу йили бизнинг миллий компаниямиз Савдодаги етакчилар гуруҳига қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида, айниқса 2005-2007 йилларда биргина Самарқанд шаҳри ва вилоятида ўнлаб замонавий меҳмонхоналар қурилди ва капитал таъмирдан чиқарилди. Уларнинг кўплари хорижий инвесторлар иштирокида амалга оширилди. Натижада жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган

меҳмонхоналар шаклланимоқда. Аммо тан олиб айтишимиз керакки, ҳали хорижий меҳмонларга жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган хизмат тизими етарли даражада шаклланиган эмас.

Буларни инобатга олиб, мамлакатимиз Президенти 2006 йил 17 апрел куни "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига имзо чекди, бу қарор хизмат соҳасини ривожлантириш борасида олдинги олиб борилган ишларни янада аниқлаштириш ва мамлакатда ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган амалий тадбирлардан бири сифатида дунёга келди. Шунини таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўриломоқда. Аммо таъкидланганидек, улар ҳали юқори талаб даражасида эмас. Бу қарорнинг амалга оширилиши хизматлар бозори таркиби хизматларнинг янги истиқболли турлари бўлган туризм, банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация хизматлари ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига такомиллашиб боради ва уларнинг қўламини кескин кўпайтириш имконини яратади.

Шундай қилиб, мамлакатимизда мустақил бўлган йирик бир соҳа шаклланди. Ҳозирги пайтда «Ўзбектуризм» МК га қарашли 32 та хўжалик юритувчи субъектлар, юзлаб хусусий туристик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг кўплари хорижий туристик фирмалар билан бевосита ҳамкорлик қилиб шартнома асосида иш юритмоқдалар.

II-БОБ. ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

2.1.Вилоят хақида умумий маълумот ва унинг республикамиз халқ хўжалигида тутган ўрни

Жиззах вилояти Ўзбекистон Республикаси таркибидаги вилоят ҳисобланади. Республиканинг марказий қисмида жойлашган. Вилоят 1973 йил 28 декабрда ташкил этилган. Жиззах вилояти шимолий-шарқда Қozoқистон Республикаси ва Сирдарё вилояти, жанубий ғарбида Самарқанд, Навоий вилоятлари, жанубий-шарқда Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Майдони 21,1 минг км². Аҳолиси 1.3 млн. Кишидан ортиқ. Жиззах вилоятида 12 та қишлоқ тумани (Арнасой, Бахмал, Дўстлик, Жиззах, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Мирзачўл, Пахтакор, Янгиобод, Фориш, Ғаллаорол), 7 та шаҳар (Ғагарин, Даштобод, Дўстлик, Жиззах, Маржонбулоқ, Пахтакор, Ғаллаорол), 8 та шаҳарча (Бўстон, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Усмат, Учқулоч, Янгиқишлоқ, Қуйтош), 95 та қишлоқ фуқаролари йиғини мавжуд. Маркази – Жиззах шаҳри.

Вилоятнинг табиати ўзига хос бўлиб, рельефи тоғлик, қир ва текисликлардан иборат. Жанубий қисмини Туркистон тизмасининг тармоқлари (Молғузар тизмаси), ғарбини Нурота тизмасининг шарқий қисми эгаллаган. Шимолий, шимолий-ғарбий ва шарқий қисми (Мирзачўл ва Қизилқўм чўлининг жанубий–шарқи) текисликдан иборат. Иқлими кескин континентал. Январнинг ўртача температураси -1° дан -4° гача, июлники 28°. Тоғ оддиларида иқлим чўл ва даштларга нисбатан юмшоқ. Йиллик ёғин вилоят жанубида 400-500 мм, шимолда 250-300 мм. Вегетация даври 210-240 кун. Йиллик қуёшли кунлар 2800—3000 соат. Энг йирик дарёлари - Сангзор. Зомин-сув. Тоғлардан оқиб тушувчи сой кўп. Экинларни суғориш учун Туятортар канали, 1 ва 2 Жанубида Мирзачўл каналлари, Жиззах, Зомин, Қоровултепа сув омборлари қурилган. 2001 йилда Арнасой сув омбори қурила бошланди. Арнасой, Айдарқўл ва Тузкон қўлларида балиқчиликда

фойдаланилади. Тоғ ён бағирларида ёввойи жийда, арча, бодом, ёнғок наъматак, зира, ровоч, зирк кабилар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан ок тирноқли айиқ, чиябўри, тулки, қуён, қобон, бўрсик, жайра ўчрайди; бургут, лочин, қора турна, булдуруқ, тувалоқ, тустовуқ, қирғовул, ёввойи ўрдақ, қалқик қабил қушларнинг 150 дан ортиқ, тури мавжуд. Вилоятда Зомин миллий боғи, Зомин ва Нурута давлат қўриқхоналари ташкил қилинган.

Таркибида темир, олтингугурт, водород, радий, кремний кислотаси, қарбон қазил, ишқор бўлган шифобахш минерал сувлар бор. Ғаллаорол, Фориш, Мирзачўл туманларида бальнеологик санаторийлар фаолият қўрсатади. Сульфат-хлорид натрийли Чимқуққўрғон балқигидан физиотерапия ва даволаш-профилактика муассасаларида фойдаланилади.

Жиззах вилояти республика ишлаб чиқаришда ва маданий тараққиётида салмоқли ўрин тутди. Хусусан, пахта, ғалла, сабзавот, мева, қорва маҳсулотлари етиштирилади. Боғдорчиликни ривожлантиришга эътибор берилмоқда. Қурилиш материаллари, халқ, истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган қорхоналар салмоғи ошди. Вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 2,5 млрд. сўмдан зиёд қредит маблағлари ажратилди. Фаолият қўрсатаётган 9400 га яқин хўжалик субъектларининг қарийб 8300 таси нодавлат хўжаликларидир.

Темир йўл вилоятда асосий транспорт турларидан. Умумий узунлиги 217 км (2001). Автомобиль йўллари ҳам салмоқли ўрин тутди. Ҳаво йўллари Жиззах шаҳрини Тошкент ва бошқа вилоят марказлари, шунингдек, Кавказ, Қрим билан боғлайди. Жиззах шаҳар қўчаларида троллейбус қатнови йўлга қўйилган.

Вилоятда 5 музей (Жиззах вилоят ўлкашунослик музейи, Шароф Рашидов музейи, Зомин тарихи музейи, Ҳамид Олимжон музейи, Меҳнат қаҳрамони Х. Носиров музейи), 289 жамоат кутубхонаси (8 млн. нусхадан ортиқ асар), 126 клуб, 12 туман марказий, 73 қишлоқ, ва шаҳар маданият уйлари, 77 бадий хавасқорлик, 54 фольклор-этнографик жамоалар, 12 мақомчилар гуруҳи, 60 хореографик рақс дасталари, воқал ва эстрада

гурухлари фаолият кўрсатади. Жиззах вилоятида 3 театр: Юнус Ражабий номидаги вилоят мусикали драма театри, вилоят кўғирчоқ, театри, Гагарин шаҳрида қозоқ миллий театри бор.

Жиззах шаҳри вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази ҳисобланади. Шаҳар Сангзор дарёси бўйида, 460 м баландликда жойлашган. Тошкент-Самарқанд темир йўл ва Катта Ўзбекистан трaкти ёқасида. Майдон 0,7 минг км². Аҳолиси 132,5 минг киши (2000; 1939 й. - 9 минг, 1959 й.- 15 минг, 1970 й. — 35 минг киши), асосан ўзбеклар; рус, татар, украин, эроний ва бошқалар ҳам яшайди. Тошкентдан 203 км. Темир йўл станцияси. Иқлими кескин континентал. Январнинг ўртача температураси 1,5°, минимум температураси -35°, июлнинг ўртача температураси 28,5°, максимум температураси -46°.

Юнон солномачилари Кирополь ва Газони алоҳида тилга олишади. Архео-логлар Газошнинг ўрнини аниқ ва асосли тайин этмасаларда, тарихий манбаларда уни Самарқанд ва Тошкент оралиғида жойлашганлиги айтилади. Олимлар Газони қадимий Жиззах деб тахмин қиладилар. Топонимист олимлар Жиззах номини суғдийча «Дизак» («қалъача») сўзи билан боғлайдилар. Тарихда у Дизак номи билан юритилган.

Жиззах Ўрта Осиёдан ўтган бир неча қадимий қарвон йўлининг туташган жойида вужудга келган. Ёзма манбаларда илк бор араб географ олимлари ва сайёҳларидан Ибн Хувкал ва муқаддасийларнинг асарларида Уструшонанинг Факнон вилоятидаги шаҳар деб тилга олинади. Шаҳар араблар истилосидан олдин ҳам мавжуд бўлган. Жиззах IX – X асрларда сомонийлар, XI – XIII аср бошида қорахонийлар, Хоразмшоҳлар давлати, XIV – XV асрларда темурийлар давлати, XVI – XVIII асрлар 1 - ярмида Бухоро хонлиги, 18 - аср иккинчи ярмидан 1866 йилгача Бухоро амирлигига тобе бўлган. Шаҳар бир неча марта инқирозга учраб, яна қайта тикланган. XVI – XVII асрларда аҳоли ҳозирги эски бозордаги Ўротеппага кўчган. XIX аср 60 - йилларида у ҳам харобага айланган. Кейинчалик яна тикланган. XIX аср иккинчи ярмидан Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилган.

Жиззахда тегирмон, жувозхона, темирчилик устахоналари, кулолчилик корхоналари ва бошқалар ишлаб турган. Шаҳар XVI – XIX асрларда кўпгина тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган. 1571 йилда Абдуллахоннинг Дашти кипчоқ, хони Бобохон ва Тошкент ҳокими Дарвешхон билан Жиззахдаги тўқнашуви шаҳарга кўп талафот етказган. 1866 йил 12-18 октябрда Жиззах қалъаси рус босқинчилари томонидан тўпга тутилиб, вайронага айлантирилган. 1916 йилдаги Жиззах қўзғолонида шаҳар рус мустамлакачилари томонидан яна вайрон қилиниб, аҳоли шафқатсиз қирилган.

Вилоятдаги кўпгина қадимий ва ўрта асрларда бунёд этилган меъморий ёдгорликлар бизгача етиб келмаган. Ўрта асрларга оид кўпгина қалъа-қурғон ва қарвонсаройлар тепа ва қўрғон (Култепа, Оқтепа, Работ, Қўғонтепа, Хонимқўрғон, Калиятепа) каби номлар билан аталади. Буларнинг сони 100 дан ортиқ Жиззах ва Ғаллаорол туманлари ҳудудидаги Такалисойдаги қоятошларда ибтидоий чорвачилик, овчилик даврига оид мингдан ортиқ, расм, Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах туманларида жуда кўп ер ости йўллари сақланган. 1956 йилда Бахмал тумани ҳудудидан Будда ибодатхонаси қолдиқлари топилган. Парпиота, Малик Гирқушоқ, Авлиёи Сероб, Нуриддин масжидларининг қолдиқлари сақланган. Фориш туманида қадимий «Банд» тўғони қолдиғи ҳозир ҳам мавжуд. Жиззах туманида Узунота қабри мавжуд.

2.1. Вилоятда туризмнинг моҳияти ва уни ривожлантириш муаммолари

Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатларида катта туристик салоҳиятга эга. Самарканд, Бухоро, Хива шаҳарлари, БМТ қошидаги ЮНЕСКО нинг бутун дунё тарихий ва маданий мероси рўйхатига киритилган. Мамлакатимизда фақатгина тарихий, маданий, меъморий, археологик, аҳамиятга эга бўлган туристларни жалб қилиш мумкин бўлган объектлар сони 7,0 мингдан зиёдни ташкил қилади. Улардан 545 таси меъморий, 575 таси тарихий, 1457 таси санъат, 5500 таси археологик обидалардир. Улардан туристик объект сифатида қамраб

олинганлари атиги 140 та Бу кўрсаткич бор йўғи 2,0 фоизни ташкил қилади, холос. Қолган туристик объектлар, қимматли обидалар ҳақида реклама ҳам, аниқ маълумотлар ҳам етарли эмас. Демак, кўриниб турибдики, ҳали бу борада анча ишларни амалга ошириш лозимга ўхшайди. Бунда тарихчи, археолог, кадимшунос каби олимларнинг ҳам хизматлари етарли бўлиши лозим.


Тўғри, ҳозирги кунда мамлакатимиздаги туристик объектларнинг 200 тасида реставрация ишлари кетмоқда, 500 таси эса қайта таъмирлаш ва реставрацияга мўхтож. Бу ишлар учун ҳам давлат бюджетидан миллиардлаб маблағ ажратилмоқда. Лекин бу соҳа фақат бюджетга кўз тикиб қолиши мумкин эмас. У ўзини - ўзи маблағ билан таъминлаш билан бирга, қаттиқ валюта ва наҳд пул тушумини кўпайтирадиган соҳага ҳам айланмоғи лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўпгина мамлакатларда реставрация (қайта тиклаш) жараёни ҳам туристик объект сифатида фойдаланилади. Бунда ушбу объектнинг асл ҳоли лойиҳаси, бугунги аҳволи, қайта тиклаш жараёни ва қандай бўлиш кераклиги кўрсатилади. Албатта бу ҳолатлар тарихий объектлар учун муҳим ҳисобланади. Бу эса туристларни ўзларига жалб қилиши табиий.

Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти катта эканлиги билан бирга, уларнинг айрим шаҳарлари ўта диққатга сазовордир. Масалан, туристларнинг кўриши мумкин бўлган объектлар сони бўйича Хива шаҳри биринчи ўринда туради.

Ушбу мавжуд туристик объектлардан ташқари яна бир қанча объектларни барпо қилиш мумкин.

Албатта ёз фаслларида шу дараларда одамлар жуда гавжум бўлади. Лекин булар ўз ихтиёри билан борган дам олувчилардир. Ташкилий тарзда бу тоғ манзараларига саёҳатлар уюштириш ҳамон йўлга қўйилмаган. Бундай объектлар Жиззах вилоятининг Бахмал, Зомин, Фориш туманларида мавжуддир. Гап уларни ишга солиб, аҳоли ва мамлакатимиз иқтисодиёти учун фойдаланишда. Жиззах вилоятида ҳам ташриф буюрувчи туристлар сони йилдан-йилга ошмоқда (2.1-расм). Аммо бу кўрсаткичлар ҳам туристик салоҳиятга нисбатан анча кам эканлигини диаграмма орқали англаш мумкин.



2.1-расм. 2006-2010 йилларда Жиззах вилоятида хорижий туристларга хизмат кўрсатиш сиғими(минг киши хис.)

Мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унда шарқона бозорнинг ривожланганлигидадир. Бу объектлар ҳам кўп жиҳатдан ўзимизга хос бўлиб, бошқа ҳудуддан келган туристларни қизиқтириши табиий. Бу жойлар туристларнинг томошаси учун тайёр жойлардир, фақат уларни туристик маршрутга киритиб ташкил қилишда. Бозорларни туристик объектларга киритилиши икки жиҳатдан фойда. Биринчидан, туристларга ўзимизнинг бой неъматларимизни кўрсатиш имконияти туғилса, иккинчидан, шарқ ширинликларини оотиш имконияти ҳам туғилади ва хорижий валюта тушумини таъминлайди. Бу учун ҳар бир туристик объектга киритилган бозорнинг бевосита кўринарли жойида пул алмаштириш шаҳобчаларини ҳам ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бизда туристларга кўрсатиладиган сервис хизмати жуда паст даражада. Биргина мисол, айрим мутахассисларнинг тадқиқот натижаси шуни кўрсатдики, Ўзбекистонга келган туристларнинг 60 фоизи бу ери фақат сервис хизматининг пастлиги эвазига қайтиб келмаслигини билдирган. Бу кўрсаткич ҳам бизда

сервис хизматини яхшилаш учун жуда кўп ишларни амалга ошириш лозимлигидан далолат бериб турибди. Бу йўналиш бўйича биринчи галда кадрлар масаласини ҳал қилиш лозим. Албагга бу бўйича айрим ишлар қилинди.

Мамлакатимизда 300 дан зиёд курортлар, 40 дан зиёд сиаҳатгоҳлар, юзлаб дам олиш уйлари мавжуд. Аммо бу объектларнинг аксарияти туризм соҳасига жалб қилинмаган. Бирок, жуда кўп курортларимиз ажойиб хушманзара жойларда жойлашгани билан бирга кўпгина касалликларга даво ҳамдир. Лекин таъкидлангандек, рекламанинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, туристларнинг ушбу жойларга умуман жалб қилинмаганлиги бирорта курорт объектларини халқаро майдонга, дам олиш зонасига айлантира олган эмасмиз. Бу ҳам ҳали анча ишларни амалга ошириш лозимлигидан далолат беради.

Бизнинг мамлакатимизга туристик йул билан келиш истагини билдирган хорижликларнинг сони 10,0 млн. кишини ташкил қилади. Бу жуда катта имконият, эндиги вазифа ана шу имкониятдан оқилона фойдаланишда.

Ўзбекистоннинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, ундан «Буюк ипак йўли» ўтган бўлиб, унинг маркази ҳам шу ҳудуд ҳисобланади. Агар буни тиклаб «Буюк ипак йўли бўйлаб» деган битта маршрут ташкил қилинса, бу ҳам туристларни жалб қиладиган катта имконият ҳисобланади.

Хуллас, туризмни ривожлантириш учун мамлакатимиз салоҳияти беқиёс. Ундан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, туризм индустриясини қарор топтириш мамлакатимизнинг иқтисодий ўсишини таъминлайдиган асосий соҳалардан бирига айланиши табиий.

Мамлакатимизнинг туристик салоҳияти шу қадар юксак ва ранг-барангки, ундан фақат шу мақсад учун оқилона фойдаланиш лозим. Чунки, мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун йўналишлар томоша ва ўрганадиган объектлар кулами жуда кенг. Бундан туристик дам олишдан тортиб пиёда саёҳатгача, оддий кўздан кечиришдан тортиб илмий экспедициягача бўлган жараёнларни ташкил қилиш мумкин.

Туризм бу энг қадимги соҳалардан бири. Аммо у жаҳонда амалиёт сифатида шаклланган. Жуда кўпгина мамлакатларда бу соҳа ХХІ асрга келиб энг

етакчи соҳалардан бирига айланди. Аммо мамлакатимизда ҳали бу етакчи соҳа бўлиш имкониятига эга бўлсада, талаб даражасига кўтарилган эмас. Бунга жуда кўп омиллар сабаб бўлмокда. Уларнинг энг муҳимларидан бири туризм соҳасининг назарияси ва услубиёти ўзимизга мос тарзда ишлаб чиқилмаганлигидадир. Лекин туризм шундай нозик соҳаки, уни кўр-кўрона ривожлантириб бўлмайди. Бу соҳа жуда катта эътиборни талаб қиладиган соҳадир. Чунки, бу жараё'н ўз - ўзидан содир бўлиб қолмайди, негаки, бу бошқа давлат одамларини жалб қилиш билан боғлиқ.

Биз дунё туризм бозорига кириб боришимиз лозим. Бизда қанчалик туристик объектлар бўлмасин, уни туристларга кўрсата билиш ва шу жараёндан тегишли фойда олиш учун туризм бозорида ҳам мавжуд эркин рақобатга бардошли ҳолатларни яратиш керакки, қайсики бу соҳага қўл урган тадбиркор иш бошлаб улгурмасдан синмасин. Шу учун туризмни ривожлантириш ўз-ўзидан бўлмаслигини инобатга олиб, уни юксалтириш чораларини кўриш лозим. Бу бевосита туризм индустриясиня ривожлантиришни тақозо қилади. Бу эса давлатдан ёки бошқа шахслардан салмоқли маблағни, каттагина инвестицияни талаб қилади. Бу соҳага аталган маблағ ҳам топилиши мумкин, лекин уни юритадиган кадр бўлмаса ҳаммаси бир пул. Ушбу соҳага билимдон, етакчи мутахассислар жуда зарурдир.

Туризм бир қанча мамлакатлар учун асосий иқтисодий тармоқ даражасига кўтарилган. Таиланд, Малайзия, Кипр каби мамлакатлар иқтисодиётида туризм асосий соҳага айланиб улгурган. Дунёнинг Париж, Лондон, Рим, Нью-Йорк, Москва, Самарқанд, Бухоро каби кўпгина йирик шаҳарларини бугунги кунда туристларсиз тасаввур қилиш қийин. Туризм ҳозир нафақат Европа, балки Америка, Осиё, Африка, Австралия каби дунёнинг барча бурчакларига қадар ёйилиб улгурди. Чунки бундай вазиятга объектив шароит яратилди. Тезюрар ер, сув ва ҳаво транспортининг дунё бўйлаб қатновининг йўлга қўйилиши туризмнинг бундай кенг қўламда тараққий этиши учун тегишли шароит яратишга муваффақ бўлишди.

Жиззах вилоятида туризмнинг ривожланиши учун зарур бўлган энг муҳим омилларга етарли даражада моддий-техника асосини (МТА) яратиш киради. Туризмнинг моддий-техника асосига қуйидагиларни киритиш мумкин: туристик ташкилотлар, фирмалар (туристик операторлар, туристик агентлар каби);

- меҳмонхоналар;
- туристик базалар;
- туристларни овқатлантириш шахобчалари;
- туристларга савдо хизматини кўрсатиш шахобчалари;
- туристларга маданий ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари;
- туристларга автомобил ва ботика мақсадлантирувчи транспорт воситаларининг мавжудлиги;
- туристларга зарур бўлган жиҳозлар прокатни ташкил қилувчи прокат;
- пунктлари;
- туристик йуланмаларни сотиш шахобчалари;
- туристик клублар, станциялар;
- туристларга туристик объектларни тушунтириб берадиган бир қанча тилларни биладиган гитлар кабилар.

Ҳозирги пайтда шу кўрсатилган МТА нинг барча элементлари юқори даражада ташкил бўлсагина, бундай мамлакат туристик бозорда ўз ўрнини топиши мумкин.

Бу кўрсатилганлардан ташқари Жиззах вилоятида туризмнинг ривожланиши учун шу ҳудуднинг табиати, иқлими, ландшафти, рельефи ҳам қулай бўлиши лозим. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- табиати гўзал, иқлими муътадил, сайр қилиши учун ҳудуди етарли бўлиши лозим.
- шу ерда қаттиқ иссиқ ёки қаттиқ совуқ бўлмаслиги керак.

- туристлар борадиган, дам оладиган жой турли йиртқич, ёввойи ҳайвонлардан, чақадиган (илон, чаён, қурракурт каби) ҳашоратлардан холи бўлиши лозим.
- туристлар учун зилзила, тўфон, сув тошқини, қор кучдиси, жала каби табиий офатлар бўлмайдиган жой ажратилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.
- туристлар кўним топадиган жой заҳарли ўтлар, мевалар, ифлосланган атроф-муҳитдан ҳам холи бўлмоғи лозим.

Бу омиллар ҳам Жиззах вилоятида туризмнинг ривожланиши учун асосий сабаблардан биридир. Булардан ташқари туризмни ривожлантираман деган мамлакат, энг аввало, шу жойга транспорт билан етказиш, у ерда овқатланиши, яшадини, хавфсизлигини таъминлаш каби бир қанча чораларни кўриши керак. Жиззах вилоятида диққатга сазовор, туристларни жалб қиладиган жуда кўп тоғли ҳудудлар деярли барча вилоятларимизда мавжуд. Аммо уларда оммавий тарзда туризмни ташкил қилиш йўлга қўйилмаган. Бу соҳада туризм индустрияси оқсоқ ҳолда.

Тоғ ва табиатнинг гўзаллиги табиий ҳолат. Улар ҳеч қандай маблағ сарф қилинмасдан туристик объект сифатида мавжуддир. Ундан фақат даромад қилиш мақсадида фойдаланишлари лозим. Лекин бу соҳада ҳали қилинадиган ишлар кўплигини ҳар бир ўқувчи эътироф этса керак, деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб таъкидлаш жоизки, туризмнинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар ва ундан келиб чиқадиган муаммолар жуда кўп. Уларнинг айримлари қуйидагиларда намоён бўлади.

Жиззах вилоятида туризмни ривожлантириш муаммоларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

-мамлакатимизда туризм бўйича назарий ва услубий билимнинг етарли эмаслиги;

-мамлакатимизда туризм бўйича назарий ва услубий билимнинг етарли эмаслиги;

-туризм индустриясининг талаб даражада шаклланмаганлиги;

- туризмнинг иқтисодий соҳага тулик айлана олмаётганлиги;
 - туризм инфратузилмасининг жаҳон андозалари даражасида ташкил қилинмаганлиги;
 - туризмнинг ривожланиши учун зарур бўлган моддий-техника асосининг етарли эмаслиги;
 - туристик сервиснинг юқори даражада ташкил қилинмаганлиги;
 - туризмни ривожлантиришда айрим қусурларнинг бутунлай барҳам топмаганлиги;
 - туризм соҳаси бўйича малакали кадрларнинг етишмаслиги.
- Кўриниб турибдики, Жиззах вилоятида келгусида ушбу соҳани ривожлантириш учун унга мансуб кадрлар салоҳиятини шакллантиришдан тартиб, унинг моддий-техник асосини яратиш ва у соҳа бўйича назарий ва услубий билимларни шакллантиришгача бўлган босқични ўташ лозим деб ҳисоблаймиз.

2.3.Вилоятда туризмни ташкил этишда туристлар хавфсизлигини таъминлаш

Минтақаларда туризмни ташкил этиш ва ривожлантиришда бирламчи туристлар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш муҳим масаладир. Сафарга тайёрланишда йўналиш режасини тузиш ва уни тасдиқлаш, туризм давомида суҳбат, лекциялар ўтказиш, топографик белгилар билан изчил танишиш, чизмалар тузишни ўрганиш, туризмнинг техник турлари бўйича мусобақалар ўтказиш режаларини тузиш, ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, керакли жиҳозларни тахт қилиш, озиқ-овқатлар учун ҳаражатлар тузиш каби муҳим ишларни аввалдан ишлаб чиқиш талаб этилади.

Туризм саёҳатларнинг тахминий режасини мутахассислар қуйидагича белгилайди²:

1. Туризмнинг тахминий режасини аниқлаш.
2. Қатнашчилар группасини аниқлаш ва тузиш.
3. Қайси жойларда бўлишни белгилаш.

² Мирзакаримов Ҳ. Туризм. Маърузалар матни. АДУ – 2009 й. 36 б.

4. Саёҳат қилинадиган жойлар тўғрисида ахборот тўплаш.
5. Йўналишни ишлаб чиқиш.
6. Саёҳат учун қанча вақт кетишини ҳисоблаш.
7. Календарь режа тузиш.
8. Овқатланиш таркибини ва шароитини белгилаш.
9. Саёҳат учун сарф бўладиган харажатларни тузиш.

Тоифаларга бўлган саёҳатларга тайёрланишда ҳар бир катнашчига алоҳида вазифа берилади.

1. Гуруҳ бошлиғи.
2. Маънавий ахлоқий тарбия раҳбари.
3. Озиқ-овқат бўйича хўжалик мудир.
4. Туризм жиҳозлар учун жавобгар шахс.
5. Котиб.
6. Таъмирлаш ишлари бўйича уста.
7. Тиббиёт ходими.
8. Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотчиси.
9. Муҳбир.
10. Суръатчи.
11. Комендант (дам олиш ва тунаш пайтларида тайинланади).
12. Гуруҳ раҳбари.

Таълим муассасаларида туризмларни ташкил қилишнинг турли шакл ва услублари мавжуд. Талабаларнинг кўп кунлик саёҳатларини ташкил қилиш тартиби қуйидагича:

1. Ўқув йили бошида саёҳат йўналишни аниқлаш ва умумий йиғилишда тасдиқлаш.
2. Саёҳатга тўгаракнинг фаол иштиокчилари ва жамоатчи ўқувчиларни жалб қилиш.
3. Йил давомида кўп кунлик саёҳат учун керакли туризм жиҳозларни тайёрлаш.

4. Туризм базалар ва болалар туризм марказларининг тажрибали ходимларидан тегишли маслаҳатлар олиш.

5. Илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа ташкилотлардан кидирув ишлари бўйича вазифа олиш.

6. Туристларнинг жисмоний тайёргарлигини йил давомида назорат қилиб бориш.

7. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ўтиш хавфли бўлган жойларда ўзаро ёрдам шартлари, қоидаларини ўрганиб бориш.

Жиззах вилоятида тоғли ҳудудларда саёҳат жуда хавфли бўлиши мумкин. Сабаби баландлик юқори, қияликлар дуч келади, сўқмоқларда юриш қийин. Тоққа саёҳатда бош кийим қалпоқ, кепка кийиш зарур, баландликка чиққач совуқроқ бўлади. Қуёшдан тўсилиши учун докадан ниқоб тикилади, кўзойнак, жун кийим, шим ёки шойи кийинади. Барча либослар, оёқ кийимлар қулай бўлиши шарт.

Тоғли саёҳатга махсус асбоблар олинади. Тошни ўядиган болғача, учли асбоблар олиш зарур. Ортиқча юк олинмайди унинг оғирлиги халал беради. Қишки тоғли жойларга саёҳатда ҳам алоҳида қоидага риоя қилиш керак. Сирпанмайдиган поябзал кийилади. Сайёҳ йўлбошчилик қилаётиб музларни чўқиб, ёриб кетади. Қияликларда махсус мосламалар ёрдамида ҳаракат қилинади. Арқонлар маҳкам тортиб боғланади.

Альпеншток-бу метал учи бор ёғоч мослама. У сайёҳни елкасида туради. Узун бўлмаслиги керак, бу дарёлар кечишда ёрдам беради. Унга тўрвалар, оёқ кийимлар илиб орқасига осиб олади. Арқонлар янги, яроқли бўлиши керак. Чодирларни махсус халталарда олиб юриш керак. Махсус илмоқлар 3 турли бўлади, вертикал, горизонтал ва универсал. Уни махсус кўриниши бор, йўғон, узун, юпқа ва хоказо. Қоя ёрувчи болғача шу илмоқларни қоқиш учун ишлатилади. Карабин 2 та арқонни бирлаштирувчи илмоқ ҳисобланади.

Ҳаракатланиш техникасини билсагина саёҳатчи тежамкорлик билан ҳаракат қилади. Қиялик ва кесишган тоғ ён бағирларида юрганда тиззаларни сал букиб юриш керак. Юрганда оёқни эркин ташлаб, товон билан оёқ учини

бир хил ташлаш лозим. Юқоридан тушаётиб оёқ учида тушиб дарҳол товонни қўйиш керак. Товон қадамга ташланиб кўтарилаётганда мускулларни бўш холда қўйинг. Шундай қадам босингки товон ва панжангиз, тиззангиз ва оёқ мускулларингиз толиқмасин. Тўғри юриш маромини нотўғри бажарсангиз юрак тез чарчайди. Оёқлар бир хилда ҳаракат қилсин. Ҳар бир инсонда бўйига, кучига, оғирлигига, тўрва оғирлигига яна жой рельефи узунлигига қадам босиш частотасига қарамай индивидуал қобиляти бор. Баъзилар ҳарактер жиҳатдан эпчил, енгил бўлади. Баъзилар эса ўта оғир, бесўнақай бўлади. Агар эпчил бўлиб ҳаракат частотаси юқори бўлса саёҳат жуда зўр давом этади.

Саёҳат ва сайр давомида одам ўзининг рационал ҳаракат ритмини доимий, одатий қилиш лозим, бу машғулотлар мақсадидир. Машқ қилган сайёҳ шунинг учун оғир саёҳат вақтида ҳам ритмик ҳолатни, организмни чидамлилиги билан фарқ қилади. Баландликда ҳам, тезлик ошганда ҳам қадами тезлашади. Тезлик ошса йўл озаяди. Юк оғирлиги тезликни белгилайди. Юк оғир бўлса тезлик сустлашади. Енгил бўлиши акси, демак юк тезликни назоратида. Тезлик шундай бўлиши керакки юрак фаолияти бузилмасин. Яхши машқ қилган саёҳатчи юрак уришлари ўз холига 5-6 минутда дам олишдан сўнг тушиш керак. Машқ қилмаганини эса дам олиб бўлгач 8-10 минутдан сўнг ўз холига келади. Бундай натижага эришмоқчи бўлсангиз, нафас олиш тезлиги бир хил бўлсин. Баъзида катта тўрвада юрилса қадам кичраяди. 3000-4000 м баландликда юк оғирлиги учун ҳаракат тезлиги бузилади. Чунки атмосфера босими пасаяди. Кислород камаяди, бундай катта тепаликда тез-тез тўхтаб дам олинади. Юрак ховлиқиб кетса, юкни қўйиб озгина елкаларга дам бериш керак.

Ҳаракат техникаси қоидалари қоялар ва тепаликларда кўтарилаётиб оёқ тиззасини букамиз, елкага дарҳол юкни қўямиз, яхши ушлаб юриш учун қояларни ботинка пошнаси. Текис тепаликда оёқни букмай, танангиз билан ташланг. Қадамни кенгроқ ташлаб, ўзингизни орқага ташлаб юринг. Ўнғир-

чўнғир жойларда ўртача оддий холда юраверинг. Сакраб-сакраб юриш мумкин.

Ботқоқ бу узоқ сув босиб қолган жойдир. Бундай жойларда юрмаслик яхши. Лекин саёҳат чоғида бундай жойлар ҳам учрайди. Тепаси ерда туради, боссангиз тортиб кетиши бор. Бундай жойдан ўтатуриб узун ёғоч ва махсус резина этик кийилади. Балчикдан ўтиш учун ҳамма бормайди. Енгил, эпчил сайёҳ юради. Агар йиқилиб тушса, узун ёғочни ботмас килиб, илиниб тортилади. Ботмас қалинроқ бўлиши керак. Баъзида бутазорлардан, чангалзорлардан ўтилади, унда енгил либосда ҳамда бошыланг юрманг. Махсус кийим ва анжомларда бўлинг. Доимо қўлингизда узун ёғоч бўлсин.

Шундай саёҳатларда ўтлоқ, тепалик, ўткир қияликлар дуч келади. Бу саёҳатчиларга бир оз ноқулайликлар келтиради. Ўтлоқлар қия бўлганда юриш тезлигини озгина кескинлаштиради. Чиқаётиб тиззалар букилади, панжалар бир оз олдинга қўйилади, қадамлар кичраяди. Шерикларни орқасида йўлбошчи тажрибали сайёҳ юради. Юқорига чиқаётиб қўллар ҳам ҳаракатланади.

Энг оддий саёҳат ҳам хавфдан холи бўлмайди. Ҳар қандай хавф вақтида олди олинса зарарсиздир. Фалокат ҳолатлари гуруҳ аъзоларини бепарво, беғамлигидан келиб чиқади. Шунинг учун сайёҳ саёҳат чоғида зийрак, ақлли бўлиши керак. Енгил елпи иш тутиб бўлмайди. Саёҳат аниқ ва мукаммал асосда амалга оширилиши керак. Йўлбошловчи ҳам, гуруҳ аъзолари ҳам эпчил, ҳамфикр, маъсулиятли бўлиши керак. Дам олиш пайтларида гуруҳ йиғилишлари ўтказилади. Камчиликлар, айбдорларга қоидалар атрофлича тушунтирилади ва дарҳол машғулот ўтказилади. Шериклар бир-бирларини ҳурмат қилиши, тушуниши, раҳбарга бўйсунуш зарур. Бир-бирларини қўллаб туриш, маслаҳат бериш тажрибали саёҳатчини вазифаси. Хавфсизлик чора тадбирлари саёҳатгача ўтилади. Лекин баъзида саёҳат давомида ҳам такроран жой аҳволига кўра тушунтирилади.

Шаршаралар саёҳатда хавф туғдиради. Бу сув тўплами саёҳатчилар учун баъзида нотаниш ҳисобланади. Чўмилиш учун бориб хавфни сезмай қолиш

хеч гап эмас. Шунинг учун гуруҳ аъзолари ажралиб ёлғиз чўмилиши таъқиқланади. Чўмилишга бориб келгач, ёлғиз саёҳат қилиб бўлгач гуруҳ тез-тез санокдан ўтади. Саёҳат бошлиғида рўйхат доимо текширилади. Машқ тугашига чўмилиш керак эмас. Айниқса муздек дарё суви, терлаган чоғида зарарлидир. Ҳар хил иш қуроллари ва болта билан ишлашни саёҳатчилар билиш керак. Ўткир тиғли қуроллар очик турмасин, улар ниқобларда, сув тегмайдиган жойда сақланади. Қуролни хеч қачон хазил қилиб ҳам одамга ўқталмайди. Овдан сўнг қуролни дарҳол бўшатиб ва бекитиб қўйиш зарур. Иссиқ қозон ва чойнакни қўлқоп билан ушлаш керак. Гулҳан ўртада ёқиши керак. Табиат офатларидан доимо сақланиши керак. Тоғ кўчиши, қор кўчиши, кучли шамол, ёмғир, қор чоғида сафар бир оз муддат тўхтатилади. Ёки эҳтиёткорлик, хавфсизлик чоралари билан ўтказилади.

Сув тошқини энг ёмон офатлардан. Бундай ҳолатда гуруҳ энг юқори қияликка чиқиши керак.

Кўчки инсон ҳаёти учун хавфли Туман тоғларда юриш шароитини оғирлаштиради. Кўз билан хеч нарса кўринмайди. Туман чоғида баланд қияликка чиқилмайди. Агар тепалик қояларда бўлсангиз ҳаракатни тўхтатиб турунг ёки секин ҳаракат қилинг.

Чақмоқ тоғда жуда хавфли. Мамақалдироқ пайтида юриш тўхтатилади. Чақмоқ чақиб турганда қуриган дарахт, буталар олдидан қочинг. Югуриш ҳам мумкин эмас, чақмоқ уриб юбориши мумкин. Чақмоқ пайтида очик, яланг жойда турманг.

Кучли шамол чоғида қояларда, очик бурилишларда турилмайди, чунки сайёҳ мувозанатни йўқотиб пастга қулаши мумкин. Кучли шамол баландликда кучайиб бўронга айланади. Мўлжални йўқотиб, оёқ, қўлларингиз ҳаракат қилолмай қолади. Ўрмонлардаги шамолда эса чодирларнинг устига дарахт тушиш хавфини йўқотади.

Қоронғилик фақатгина ҳаракатни эмас тоғда кучли хавфни, ботқоқ ва ўрмонда эса ёмон фалокатни келтириб чиқаради. Тоғда пастга қулаш, ўрмонда сирпаниб тирқишларга қисилиб қолиш, дарёга тушиб оқиб кетиш

ҳолатини келтиради. Агар кундузи атроф кўрилган бўлса, кечаси қоронғида юрилмаган маъкул. Доимо фонар-чироқ олиб юриш тавсия этилади. Ҳар қандай ҳолатда саёҳатчи жисмоний тайёр бўлиши керак.

Саёҳатда қутқарув ишлари. Саёҳатчи доим ёдда тутиши керакки, доимо саёҳатда хавф ёнма-ён бўлади. Машғулотларда бунга алоҳида тайёргарлик ўтилади. Қутқарувчилар биринчи ёрдамни қандай кўрсатишни билиш керак. Шикастланган одамни қандай қутқариш лозим. Ҳар бир тоғли, ўрмон ва дашт музлигида қутқарувчи бўлинмалар, марказлар бўлади. Саёҳатчилар жабрланувчини қутқариб, биринчи ёрдамни кўрсатиб кейин шифокорга мурожат қилади. Унга қадар қутқарувчи сайёҳлар ёрдам берадилар.

Қулаб тушган сайёҳларни имкони борича жарликдан тушиб кетган жойдан олиб чиқилади. бунинг учун сайёҳларда етарлича мослама ва қуроли бўлади. Хушсиз ҳолатда бўлса, хушига келтириш чораси кўрилади. Транспортда марказларга олиб борилади. Агар транспорт бўлмаса дарахт шохларидан, чанғидан фойдаланиш мумкин. Арғамчидан фойдаланганда уни қандай боғлаш, туғишни ўрганиш зарур.

Қорли тоғларда жараоҳатланиш юз берганда бир кишими, икки кишими касални дархол панага олиб кетилади. Махсус “чана” ёғочдан, дарахт ёки буталардан арқон орқали ясалади. Касал унга маҳкам қилиб боғланади. Тугунлар бойланиш усуллари жуда кўп. Ҳалқалар орқали бойлаш мумкин. Ёғочлар ҳам бир-бирига мустаҳкам қилиб бойланади. Беморни аҳволидан тез-тез хабардор бўлиб турилади. Ўтлоқли, кенгликлардаги саёҳатда шундай ҳолат бўлса махсус қутқарувчи тўрвадан фойдаланиш мумкин. Беморни аста кўтариб, тўрвага ўтиргизиб маҳкам боғлайди ва махсус ёғочга ўтиргизиб 2 киши кўтаради. Орқасига осилган бемор ёғочга тўрва билан ўтириб олади. Тўрва тагида ёғоч ўтиришга мўлжалланган бўлади. Жабрланувчини ёғоч бўлмаганда орқалаб, кўтариб олади.

Қутқариш ва беморни кўтариш учун арқонлардан, ёғочлардан фойдаланиб махсус замбарлар тайёрланади. 3 метрли ёғоч ва арқондан, махсус қоп ва тўрвадан, узунлиги 60-70 см ёғочдан ёки муз ёрувчи

болғачадан, қоп ва тўрвани ёғочларга маҳкам боғланади. Ёнбошидан кўтариш учун ушлагич қўйилади. Олдида юрувчига ушлаш учун 45-50 см, орқадагига камида 65-70 см жой қолдирилади. Бемор ўтириб олиб икки томондан қутқарувчилар елкасига қўлларини қўяди. Хушсиз бўлса ётқизилади. Ётқизилганда замбарга маҳкамлаб боғланади. Чанғидан ҳам замбар қилинади. Чанғиларга сайёҳлар кастюми енглари кийдирилади. Тугмаси солиниб, замбар хосил қилинади. Бу ҳолат арқон топилгунча қилинади. Албатта арқон билан ҳам бундай замбар қурилади. Дарахт шохларидан замбар тайёрланганда 3 та узун ёғоч шохлари олинади. Дарахт шохидаги барглар, шох шаббалар олинмайди, чунки сирғаниш темпи бир хил бўлади. 2-шох ўртасига 3-шох кўндаланг ёғоч қўйиб боғланади. 3-шох маҳкам қилиб боғланади. Ўртадаги ёғоч бир оз 2-ёғочга нисбатан калтарок қилинади, чунки қутқарувчи орага кириб кўтаради. Кўндаланг қилиб боғланган ёғочлар дарахт шохларига яхшилаб боғланиб кроват хосил қилинади. Бемор унга ётқизишиб боғланади ва 2-қутқарувчи аравани судраб кетади.

Тоғларда, қояларда қутқарувчилар маъсулияти ортади. Қутқарувчи замбарлар фақат арқондан қурилади. Узун арқонга, арқондан замбар тўқилади. Махсус метал халқачалар ўтказилади. Сетка қопчага боғлангандек, шикастланган одам махсус саватга ётқизиб боғланади. Узун арқондан қутқарувчилар ҳар икки томонда туриб, бири юборса 2 си тортиб олинади. Секин аста силжиб, тўр қопдаги бемор олдинга ҳаракатланади. Шу тариқа қоядан ўтказилади. Юқоридан тушиш учун эса қутқарувчилар махсус мослама, қурилмалардан фойдаланилади. бунинг учун металдан халқалар, учли қоқиладиган михлардан, арқондан ва қаттиқ урадиган болғалардан фойдаланади. Баландлик жуда ўткир бўлса, қутқариш ишлари оғир бўлади. Белларни орқалаб, арқонга боғлаб, аста арқонларга осилиб тушилади. Юқорида ва пастда ёрдамни, арқонларни ёрдамчи қутқарувчилар ушлаб, назорат қилиб турилади. Баланд қирликларда юриш учун жой йўқ бўлиб қутқариш қийин кечади. Қутқариш чоғида эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилиш

керак. Умуман олганда вилоятда экологик туризмни ташкил этишда туристлар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш катта аҳамиятга эга.

III-БОБ. ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИЯ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Вилоятнинг маданий-тарихий туристик ресурслари салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари

Жиззах тарихининг энг қадимги саҳифалари ҳақида гап кетганда, албатта жаҳон тарихига дахлдор саналмиш «Сайхонсой қоятошлари» даги суратларни (4,5 минг йил аввал), энг қадимги одамлар яшаганлиги тахмин этилаётган «Пешағор Ғори» маданий қатламларини, икки минг - икки ярим минг йиллик тарихга эга «Мозорсой ёдгорликлари» ни, «Жомонжар ер ости эҳромлари» ни, қадимги манбаларда тилга олинган Газа, Ҳаракана, Зомин, Собот, Мик, Марсманда, унданда қадимгироқ бўлмиш Хитой солномаларида тилга олинган «Эча шаҳри» қолдиқлари бўлмиш қадимги қалъалар ва шаҳарлар ўринларини фахр билан тилга оламиз.

Вилоят ҳудудда минг йиллардан бери азиз тутиб келинган «Темир дарбоза», "Саъд ибн Аби Ваққос", "Парпи ота", «Хўжамушкент ота", "Новқа ота", "Ўсмаёт ота", "Сайид Мир Халилиллоҳ ота", "Хўжабоғоти ота" каби кўплаб мўътабар зиёрат манзиллари ва қадамжолар борки, бугунги мустақиллик йиллари шарофатидан янада обод ва кўркем манзилларга айланди, ўз салобати билан юртимиз саодатига шукуҳ бағишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида" ги қонуни ижросини таъминлаш ҳамда вилоят ҳудудидаги тарихий, маданий ва меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодларга етказиш чораларини кўриш ва ёдгорликларнинг давлат муҳофазасини таъминлаш мақсадида қатор тадбирий чоралар қурилмоқда.

Бу ишлар Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 июлдаги 269-сонли "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори ва "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларини

мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро комиссия тўғрисидаги Низом", "Ўзбекистон Республикаси маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш тўғрисидаги Низом" ва "Маданий мерос объектларининг тарихий-маданий экспертизаси тўғрисидаги Низом"лар, Вазирлар Маҳкамасининг «Тарихий обидалар, зиёратгоҳлар ва қадамжоларда аҳолига ҳамда сайёҳларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги мажлиси баённомаси талабларини бажариш мақсадларига қаратилган.

Вилоятда 2008 йилнинг 10 июнь ҳолатига жами 372 та маданий мерос объектлари, шундан 42 та тарихий обида ва муқаддас зиёратгоҳлар, 267 та археологик манзилгоҳлар, 63 та монументал ёдгорликлар (хайкаллар, бюстлар, хотира майдонлари) "Давлат муҳофазаси рўйхатлари"га киритилган. Жиззах вилоятидаги диний-зиёратгоҳ масканларга туристик маршрутлар ишлаб чиқишда ушбу зиёратгоҳларнинг зиёрат қилиш хусусиятларини ўрганиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифани бажариш ҳар бир зиёратгоҳларга маълум бир туристик оқимни ҳосил қилиш учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Биринчидан, вилоятдаги зиёратчиларнинг қайси зиёратгоҳни кўпроқ зиёрат қилишларни аниқлаш. Бу натижалар асосида вилоятда ички туризм ва халқаро туризмда туристлар айнан танлаган ёки тинлайдиган диний-зиёратгоҳлар маълум бўлади.

Мутахассислар маълумоти бўйича асосий маданий-тарихий туристик ресурсларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

«Саъд ибн Абу Ваққос» зиёратгоҳи. Мазкур зиёратгоҳ Ғаллаорол туманининг Авлиё қишлоғида жойлашган бўлиб, икки бўлакка бўлинган. Юқори қисми – кўл буйи ҳудуди шифобахш ва муқаддас бўлоқлари, гўзал ва сўлим гўшалари, ажойиб табиати, бетакрор манзаралари билан киши дилини нурафшон айласа, пастки бўлаги кўҳна масжиди, ҳилхонаси билан диққатга сазовордир.

Масжид биносининг XIX асрда Жиззахлик усталар - уста Комил, уста Қобил, уста Зухур ва уста Мирзиёлар томонидан шарқона услубларда бунёд этилганлиги манбалардан маълум. Ганжкорлик ва масжид шифтидаги ранго-

ранг чиройли нақш ишлари эса ўша замонларда усталар Мирзо Зоҳид ва уста Бобожонлар томонидан маҳорат билан ишланган бўлиб, бугунги кунгача ҳам ўз оҳорини йўқотмаган. «...Саид ибн Абу Ваққос Макка ашрафларидан бирининг ўқли, Муҳаммад алайҳиссаломга пайғамбарлик ваҳийи келган пайтда навқирон бир йигит бўлиб ислом динига киради ва саркардалик хислатларини намоён қилади.

У ҳижратнинг 16 йили Халифа Умар ибн Хаттобнинг Эрон ва Маворауннаҳрга юборган қўшинига бошчи этиб тайинланади.

Ҳозирги Авлиё қишлоғи яқинида ўтган бир жангда яраланиб, синчилори ўзилиб тўшади, хонақоҳ ўрнига қони тўкилади. Саркарданинг синчилотани қишлоқнинг шимол томонидаги қабристонга кўмишади (бу ерда хонақоҳ бор), табаррук зотнинг қони томган кўл бўйига яқин жойда ҳам хонақоҳ бунёд этилади. Бугун бу манзил жуда гўзал манзара касб этган, вилоят ҳоқимлигининг эътибори билан, саховатпеша, қалби тарихий қадриятларга ҳурмат билан лиммо-лим кишиларнинг хайру-эҳсонлари эвазига зиёратгоҳ бинолари таъмирланган, кўл тартибга келтирилиб, зиёрат жойлари обод этилганлигини кўриш мумкин. Кўлда "муқаддас баликлар" ни - Ўзбекистон "Қизил китоби" га киритилган қорабаликларни кўриш мумкин. Зиёратгоҳ ҳудуди 14, 2 гектарни ташкил этади.

"Жондаҳар ота" зиёратгоҳи. Фориш туманининг Ғорли Тараша қишлоғида Муҳаммад Шариф (Мавлоно Грекушоҳ) номи билан азиз тутилгувчи иккита зиёрат манзили бор. Биринчиси, ул зоти бобароқотнинг хонақоҳлари бўлса, иккинчиси "Жондаҳар ота" - ("жонга дармон берувчи" маъносида) зиёратгоҳи ҳисобланади.

Гараша қишлоғининг номи ҳам (Мавлоно Грекушоҳ) "тугунларни ечувчи" сўзидан олинган бўлиши мумкин. Кейинчалик чашма атрофида кўп минг кишилик куртон қалъа қурилади. Бу ривоятларга кўра XII асрга тўғри келади.

Чашманинг суви шифобахш хусусиятларга эга, масалан сарик касаллигига, теридаги ҳар хил доғларни кеткизади, қутирган ит қопганлар бу

сувда чўмиладилар, ҳар хил ошқозон-ичак хасталикларида ҳам бу чашманинг сувини ичиш кони фойда..."

Гарашалик қишлоқ кексалари Умархон бобо Ихтиёров, Ҳомид бобо Абдурахмонов, Рауф бобо Рашидов, Абдурахмон бобо Асроров, Сулаймон бобо Товбоевлар томонидан сақлаб келинган жуда кўҳна арабий имлодаги икки ҳужжат 2001 йилда Маданият ишлари вазирлигига тақдим этилган бўлиб, улар ўрганиб чиқилди.

"Ўсмаёт ота" зиёратгоҳи. Ўзбекистонда мавжуд авлиёлар қабрлари, азиз қадамжоларнинг аксарияти ислом дунёсига машҳур кишилар, пайғамбарлар, азиз-авлиёю анбиёлар, пирлар, халифалар ва шайхларнинг номи билан машҳурроқ. Бундай бўлишига табиий ва тарихий асослар бор.

Бахмал туман марказида, қўрғонтепа пойида сўлим гўша «Ўсмаёт ота» - аслида «Ўсмон ота» зиёратгоҳи бор. Худди Самарқанддаги Шоҳи Зинда ривоятига ўхшаш ҳайратли афсона кезиб юради. Бу одам кофирлардан қочиб бир тутнинг ортига ўтган ва кофирлардан кутилиб қолган экан. Кейинчалик шу атрофларда яшаган ва бу жойларни обод қилган экан...

Замонлар ўтиб эътиқодли халқ Ўсмон ота учун рамзий қабр тиклаб, кичиккина хонақоҳ қуради. (Усмаёт қишлоғининг номи ҳам шу тарихий маскан номи билан боғлиқ, деган тахминлар юради. Лекин, Ўсмаёт тарихан аввалроқ, эрамининг бошларида пайдо бўлганлигини тарихий асари, археологии материаллар тасдиқлайди.)

Бахмаллик ёзувчи Сайид Азим тарихчи олимлар - Олимжон Жураев ва Жалолиддин Жураевлар фикрига таяниб Усмаёт ота қабрини усмаётлик фикҳшунос олим, ўз даврининг йирик қонуншуноси бўлмиш Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулҳамид Усмандий ас - Самарқандий номи билан боғлайди. (Абул Фатҳ Усмандий 1095 йилда таваллуд топиб 1158 йилда, 63 ёшида вафот этганлиги маълум. Унинг араб тилида битилган, бир неча жилддан иборат бўлган "Шарх ал-Жомийъ ал-Кабир" асари бизгача етиб келган.)

«Ҳазрати Башир тарихи» китобида ёзилишича Ҳазрати Башир ва устод Усмони Туркистоний Туркистонга Хожа Аҳмад Яссавийнинг зиёратига ялангоёк йўл оладилар. Йўлда кўп кийинчиликлар кўрадилар. Фирорга (Авлиё қишлоғнинг аввалги номи шундай бўлса эҳтимол) етганларида бир уйдан, «ўчоқда озроқ оёғимизни иситиб олайлик», дея ижозат сўрайдилар. Уй эгаси «озроқ ёғ беради, оёқларининг ёрилган жойларига суриб оловда тоблайдилар».

Хонақоҳ 2000 йили Усмамлиқ Алишоев Давир Ислом ўғли ва шу пайтларда Бахмал тумани ҳоқими бўлиб ишлаган Мўса Анарбоевнинг саъйи ҳаракатлари билан ургутлик уста Абдужаббор ўғли Абдужалил ва унинг ўғиллари, ҳамда жиянлари томонидан 72 кунда қайта тикланган.

"Усмаат ота" зиёратгоҳи Бахмал туманининг марказида, баҳаво тоғ булоқлари қуршовида жойлашган бўлиб, ер майдони 0,42 гектарни ташкил этади. Аини пайтда рекреацион - ҳордиқ, зиёрат мақсадларида фойдаланилмоқда.

"Ҳужабобон ота" зиёратгоҳи. Мазкур зиёратгоҳга Фориш туманининг Хоратош қишлоғидан бурилиб, тоғ томонга, дала йўли билан кириб борилади. Хассос адиба Саъдина Бобомуродованинг "Хоратош" деган бадихаси "Жиззах ҳақиқати" да босилиб эди. Унда шундай сатрлар бор... «Қадим аجدодларимиз бизларга, яъни ҳозирги одамларга ўхшаб, ҳашаматли уй-жойларга ружу қўймаган экан. Ўзи беш кунлик дунё бўлса, чин уй, чин дунёда, дея ғорларда, ертўла, қапа, ўтов ва чайлаларда яшайверишган экан.

Бугун бу ерда анчагина ободончилик ишлари бажарилган. Улуғ авлиё отамизнинг манзили обод ва кўркам, йўлаклар, зиналар, гуллар, ҳовўзлар зиёратгоҳга файз киритиб турибди. "Ҳужабобон ота" хонақосини тиклаш ҳаракати бошланган.

"Новқа ота" зиёратгоҳи. Бахмал қишлоғининг Новқа қишлоғида қадим ва кўркам зиёратгоҳ бор. Зиёратгоҳнинг «Новқа ота» дея номланишини кўпроқ «Накъатун» (арабча) - яъни «туя» маъноси билан боғлашади. Илмий адабиётларда жуда кўп бор дуч келганимиз - Науқат, Навқанд, Навқад

(Навқадий) атамалари ҳам айнан шу заминга тааллуқли. Бизнингча ҳам ана шу атама замиридан маъно ахтармоқ тўғридай - "яшил жой", "яшнаган манзил..."

Қишлоқ ҳудудида «Норчўкди» деган жой номи бор. Бу жойда якин - яқингача кичик бир тепалик бўлиб, қишлоқ одамлари бу тепаликни "ривоятдаги аёл туясини чўктирган жой ва айнан туянинг қолдиғи" деб ўқтиришар, чунки тепаликка ўзоқдан қаралса, ҳақиқатан ҳам худди чўкиб ётган туяга ўхшаб кетарди... Афсуски, тўрт-беш йил бурун бу тепалик бутунлай текисланиб кетибди.

Ёдгорликнинг бунёд этилиши тарихи, санаси, дастлабки қиёфасини аниқлаш мақсадида мавжуд ҳужжатли манбалар ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, ушбу кунга қадар ёдгорлик юзасидан Я. Ғуломов номидаги Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Археология институт томонидан ўтказилган "Археологик ёдгорликларни аниқлов ишлари" қаторида "Новқаотатепа" рўйхатга олинганлигини инобатга олмаганда бошқа кенг қўламда илмий тадқиқот ишлари олиб борилган эмас.

Ўзбекистон Республикаси "Маданият ва спорт" ишлари Вазирлигининг Тарихий мерос объектларини илмий ишлаб чиқариш Бош Бошқармаси топшириғига кўра "Новқа ота" маданий мерос объектининг Кадастри ишларини бажариш чоғида зиёратгоҳ ҳудудига қисман тааллуқли «Новқа ота тепа» қабристонига жуда кўплаб қабр тошлари, жуда кўп даражада сопол синиқларига дуч келинди. Улар мазкур ҳудуднинг ҳеч бир шубҳасиз минг йилликлар тарихига дахлдор эканлигини тасдиқлайди.

Шу қабристон ҳудудида яна бир қабр тошига дуч келиндики, унинг ишланиш шакли ва уймакор нақшларнинг бетимсоллиги билан бетакрордир. Айнан қабр тошини ана шу жиҳатлари билан чинакам санъат асари сифатида муҳим тарихий - илмий аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз

Зиёратгоҳ Бахмал туманининг шарқий-жанубида, Туркистон тизма тоғлари этагидаги Новқа Новқа қишлоғининг тоғ томон биқинида, уч томони қир ва адирлар билан ўралган ихчам сойликда, кўҳна "Новқа ота"

кабристонининг ёнгинасида жойлашган. Бахмал тумани маркази Усматдан беш чақиримлар, Жиззах шаҳридан эса 90 километрлар чамаси ўзоқликда. Худуди 2,25 гектарни ташкил этади.

"Хўжамушкент ота" зиёратгоҳи. Янгиобод туманининг Хўжамушкент кишлоғида ана шу ном билан аталгувчи зиёратгоҳ бор.

Зиёратгоҳ тарихини эрамизнинг бошлари билан ўлчамоқ лозим. Чунки, мазкур манзилга туташ археологик тепаликда эрамизнинг бошларига оид сақ ва суғдий қабрлар кўринишидаги қўрғонлар мавжуд. қолаверса, мазкур худудда учрайдиган сопол синиқлари эрамизнинг I-II асрларида ҳам бу атрофларда аجدодларимиз яшаганлигидан, тирикчилик маданияти мазкур жойларга ҳам дахлдор эканлигидан дарак беради.

Зиёратгоҳ мустақиллик йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди, илгари қаровсиз булоқлар қайта кўз очди, дарахт ва гул кўчатлари ўтказилиб, хайр-эҳсон маблағлари эвазига жуда катта ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Масжид биноси таъмирланди, хонақоҳ тикланиб, йўлаклар бунёд этилди. Зиёратгоҳ худуди 14,0 гектарни ташкил этади.

"Кўк тўнли ота" зиёратгоҳи. Мазкур зиёратгоҳ Жиззах шаҳридан 55 километрлар, Зомин шаҳарчасидан 5 километрлар чамаси ўзоқликда, Зоминдан тоғ оша Бахмалга борадиган тоғ йўлининг шундайгина ёқасида жойлашган. Хонақоҳ, муваққат тўхташ жойи ва ошхона биноларидан иборат.

“Кўк тўнли ота” - "Кимки шу тупроққа ихлос билан бир таёқ суқса, ёки бир уруғ қадаса-ю кўкармаса ва ё ўнмаса мен заминман, мен заминман, мен замин!" - деган машҳур иборанинг эгаси сифатида талқин этилади.

Абулғози Баҳодирхоннинг "Шажараи тароқима" асарида қанғли халқининг хонининг оти Кўк тўнли бўлганлиги” айтилади. Республикамизнинг жуда кўп жойларида “Кўк тунли ота” зиёрат манзиллари мавжуд.

Мазкур ёдгорлик 2006 йил Тўра Эргашевнинг саховатлари эвазига усталар томонидан таъмирланиб, қайта чирой очди. Зиёратгоҳ худуди 2,4 гектарни ташкил этади.

"Хўжаи сароб ота" зиёратгоҳи. Зомин туманидаги сўлим Пишағар қишлоғининг юқорироғида бир зиёратгоҳ маскан бор. Бу қадамжони маҳаллий аҳоли «Хўжаи Сароб ота зиёратгоҳи» («Сув бошининг эгаси») деб аташади. Атрофини яшилликлар ва обихаёт ўраб турган бу даргоҳга қадам кўйганингиз ҳамоно, кўнгилни ажиб бир осойишталик қамраб олади. Гўёки, ғам-ташвишга тўда дунё орқада қолиб, беташвиш оламга киргандек ҳис қиласиз, ўзингизни. Тепарокда макбара. Макбара рўпарасида масжид қад кўтарган бўлиб, зиёратгоҳнинг хушхаво табиатига ўзгача улуғворлик бахш этгандай.

Хўжаи Сароб ота умрининг охирига қадар ушбу масканда яшаб, боғдорчилик, узумчилик билан шуғулланиб, ҳалол меҳнат ила кун кечирган, шу билан бирга маҳаллий аҳоли фарзандларини илму маърифатли қилган комил инсон эканлар. Халқ орасида бу ердаги булоқнинг шифобахшлиги, кимки ундан яхши ният билан ичса дардига даво топиши, ҳам ниятига етиши ҳақидаги ривоятлар хали ҳамон машҳур. Ҳозирда шу булоқнинг сувидан Пишағор ва Қангли қишлоғининг 3 мингдан зиёд аҳоли сув ичмоқда.

Мустақиллик йилларида зиёратгоҳ обод этилди. Бунда Пишағар қишлоғининг Абдуғани Илашев, Юнусхон Ахмедов, Саъдулла Қаршибоев каби фидойи фарзандларининг хизматлари беқиёс. Уларнинг бевосита ташаббуси билан 1997-2001 йилларда зиёратгоҳ қайта таъмирланди, ободонлаштирилди.

Дарҳақиқат, Истиқлол бизга шу каби зиёратгоҳлар тарихини ўрганиш, уларни обод қилиш, боболаримизнинг ким эканликларини англаш бахтини ҳам бердики, шўро даврида ҳаробага айланган бу каби даргоҳлар бугун гуллаб-яшнамоқда, халқимизга хизмат қилмоқда. Зиёратгоҳ ҳудуди 2,0 гектарни ташкил этади.

"Ҳожа Шохимардон шердор" зиёратгоҳи. Мазкур зиёратгоҳ Зомин туманининг Туркман қишлоғида асрий тут дарахтлари ҳовучида, яшил боғ-чорбоғ ичида жойлашган бўлиб бир неча эшонзодалар сўнгги манзил тутган обод маскан. Ҳазрат Алига нисбат берилади. Ҳудуди 2,3 гектар.

«Парпи ота» зиёратгоҳи. "Парпи ота" зиёратгоҳи Жиззах шаҳридан 45 километрлар чамаси узоқликда, Моргузар тоғларининг орасида, "Курпасой" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Ялпокбош қишлоғи ҳудудида жойлашган бўлиб маҳаллий аҳоли томонидан азиз маскан сифатида эъзозлаб келинади.

Зиёратгоҳда сирли-синоатли тешиктош бўлиб , эмишки "гуноҳи борларни поклар эмиш..." Тешиктошга туташтириб хонақоҳ, айвон, алоҳида муваққат масжид биноси қурилган. Баъзи манбаларда зиёратгоҳга X асрда яшаб ўтган машҳур шарқ муҳаддислик илмининг буюк билимдони, сўфийлик тариқати сардорларидан бири Ал-Аҳмад ибн Абӯҳамид Раззолийнинг (вафоти 1122 йил) қадами етган деб тахмин килинади. "Парпи ота" - "оқ ота" демак бўлиб, арабчада **"парфи"** - "оқ" деганидир. "Парпи ота" номи бизга "оқ кийимли ота", "оқ ниятли ота, ёки оқ рангли тешиктошга нисбат берилиб "оқ тош ота" каби маъноларга эга бўлиши мумкин.

"Сайид бурхониддин қилич" зиёратгоҳи. "Қилич Бурхониддин" номи билан машҳур Фарғона ҳукмдори бўлган бир ҳукмдорнинг ўз ихтиёри билан тахтдан воз кечиши ва унинг қабри буюк қарвон йўли устидаги манзиллардан бири бўлиши мумкинлиги ҳақида ёзма манбалар анчагина топилган сопол синиқлари ва тангани илмий ўрганиш натижаларига қараб ёдгорликни эрамизнинг X асрига, Сомонийлар даврига тааллуқли, деб топилди.

Хонақоҳ Оқбулоқлик Бахтиёр Эралиев маблағларига, самарқандлик қўли гул усталар томонидан қайта бунёд этилди. Масжид биноси XV асрда бунёд этилган "Ҳолид ибн Волид" масжиди режалари асосида тиклангандир. Мажмуа ҳудуди 1,0 гектарни ташкил этади.

"Чўқмозорота" зиёратгоҳи. Янгиобод туманида, «Кўшқанд» қишлоқ фуқаролар йиғини, Кўшқанд қишлоғидан унча узоқ бўлмаган ҳудудда жойлашган, ўзбек қавмларидан бири - Жузнинг бир жузи, Сўлоқли элининг бир бўлаги "Чўқморли" деб юритилади, ана шунга мутаносиб равишда улар сиғинадиган манзил "Чўқмозор ота" деб аталиб кетилган.

Зиёратгоҳ ҳудудида 600-700 ёшлик кекса тут дарахтлари, кўҳна қабристон, хонақоҳ хонақоҳ, археологик тепалик жойлашган. Ҳудуди 3,0 гектарни ташкил этади.

"Сайфин ота" зиёратгоҳи. Ғаллаорол туманидаги Сайфин ота қишлоғи ҳудудида бўлиб, майдони 8,0 гектарни ташкил этади. Қуюқ дарахтзор, кўҳна қабристон, масжид биноси, хонақоҳ мавжуд қабристон ҳудудида ўта ноёб нақшу ниғорлар билан безатилган, санъаткорона услубда ишланган бир неча тарихий қабр тошлари тилшуносларни қутмоқда.

«Арчамозор ота» зиёратгоҳи. Зомин туманидаги Еттикечув қишлоғидан юқорирокда, арчазор бағрида, Еттикечувсой ёқасида жойлашган мазкур қадамжо шифобахш булоқлари билан эътибор топган. Бу ердаги қабристонга минг йилнинг юзи бўлганлиги айтилади. «Арчамозор ота» да XVIII аср охири ва XIX аср бошларида «Мулла Назар Вали» деган киши яшаганлиги ва шу ерга қўйилганлиги қайд этилади.

Зомин туманининг Бешкуби қишлоғи ҳудудида шу номдаги зиёратгоҳ бор. Бу манзилгоҳда иккита археологик тепалик бўлиб "Қилич Бурҳониддин авлиё" ва "Сайд Бурҳониддин авлиё" - деб аталади. Ҳар иккисида ҳам биттадан қабр бор. Зиёратгоҳ ҳудуди 2,4 гектар бўлиб археологик ҳудуд, хонақоҳ, кўҳна қабристон ва масжид биносидан ташкил топган.

"Ҳожа қаҳҳор вали" қадамжоси. "Зомин" атамаси "Авесто"да тилга олинган "Зомёд" - фаровонлик фариштаси номи билан боғланадиган бўлса, мазкур шаҳарнинг тарихи зардуштий ота-боболаримиз замонаси билан, эрамиздан аввалги VII-V асрлар билан ўлчанади. Зомин шаҳарчасининг ўртасида ажойиб ёдгорлик мажмуаси жойлашган. "Ҳожа Қаҳҳор Вали" мажмуасига кирувчи «Ҳолид ибн Болид» масжиди айвони оқбулоқлик Бой Эшон томонидан уста Ҳаким кўли билан бунёд этилган. Боботут дарахтининг ёши икки минг йилдан кам эмас.

"Парпи ойим" зиёратгоҳи. Уволсой дарасида "Парпи ойим" номи билан юритилувчи зиёратгоҳ бор. Зиёратгоҳ ҳудудида "дардлардан халос этувчи Тешиктош" ва чоғроқ соғана бор. Бефарзанд аёллар Тешиктошдан уч қарра

Ўтиб тошидан белига боглаб юрсалар армони ўшалармиш Фарзандли бўлгач, халиги тошни албатта қайтариб жойига қўйиб кетиши керак эмиш.

Зиёратгоҳ худуди 10,0 гектарни ташкил этади.

"Қоплон ота" зиёратгоҳи. Қоплонота бағрида ховункесди ва Бешбулок қишлоқлари оралиқда жойлашган яшил гўша минг йиллар илгари ҳам шундай яшиллиги, шундай бокиралиги билан азиз-авлиёлар назарини тортган бўлса ажаб эмас!

Манзилгоҳ мўъжазгина мўъжизавий ва шифобахш булок атрофида, минг йиллик кекса тут ва тол дарахтлари соясида жойлашган. Мазкур манзилдаги шифобахш булоққа ният қилиб бир танга ташласангиз ва қўл сукиб бир тош ёки танга олсангиз, ниятингиз албатта ижобат бўлиши бор гап.

Бугун бу масканда гўзал боғ яратилган, юртдошлар хайру саховати эвазига тоғ устида жуда гўзал манзара бағрида хонақоҳ тинланган. Зиёратгоҳ худуди 2,3 гектарни ташкил қилади.

«Боғи мазор» зиёратгоҳи. Бахмал туманининг Мўғол қишлоғига яқин жойда шундай зиёратгоҳ бўлиб, мазкур манзил ҳақида "Ганжи Алишер" номи билан Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдулланом" асарида ҳам маълумот бериб ўтилган. Замонлар ўтиши билан «Саййид Неъматиллоххон-«Мирхалиллох» нинг «Неъматиллоххон»и тушиб қолган ва «Саййид Мир Халилиллох» шаклига айланган бўлса эҳтимол!" Саййид Мир Халилиллох зиёратгоҳи" мустақиллик йилларида халқнинг хайр эҳсонлари эвазига қайта таъмирланди, хонақоҳ қайта тикланди, обод масрур масканга айлантирилди. Бугунги кунда бу ерга келаётган, ўтмиш қадриятларимизга беқиёс ҳурмат ва эъзоз кўрсатаётган зиёратчиларнинг кети узилмайди. Зиёратгоҳ худуди 2,07 гектарни ташкил қилади.

«Нарвон ота» зиёратгоҳи. Нарвон зиёратгоҳи Нурота тизма тоғининг жанубий дала даштларидаги энг катта қишлоқлардан бўлиб, Фориш тумани худудида жойлашган. қишлоқнинг табиати ниҳоятда гўзал, икки томонида баланд адирликлар, серсув булоқлари ниҳоятда кўп. Қишлоқнинг энг юқори

кисмида «Сувқўшилиш», «Нарвон ота», «Ҳайдарбойнинг ҳаёти», «Қўнишбойнинг равоти», «Тўнғизлик мулла Аҳмад бобонинг боғи», «Кенжабойнинг ҳаёти», «Аллаёрбойнинг олмазори», «Келдиёрбойнинг ўрикзори» деб аталгувчи мевали ва манзарали дарахтзорлардан иборат гўзал боғлар бор. Бу номлар юз йиллар давомида эл-юртга хизмат қилиб келмоқда.

«Кўлфисар ота» зиёратгоҳи. «Кўлфисар» - бу ердаги узун қабрда «кулфлаб кўмилган бош» деган маънони англатади. Қабрдаги киши пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан олдин, Лут пайғамбар замонасида яшаб ўтганлиги айтилади. Қуръони Каримда айтилишича ўша даврнинг одамлари жуда узун бўлишган эканлар. Одамнинг узунлиги 8 газдан 13-14 газгача бўлганлиги айтилади. Зиёратгоҳдаги қабр 12-13 метрни ташкил этади. Зиёратгоҳ ҳудуди 6,0 гектарни ташкил этади.

«Кулфисар ота» зиёратгоҳи Жиззах туманида Шароф Рашидов номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган бўлиб, хонақоҳ, масжид, археологик ёдгорликлар ўринлари - қалъалар қолдиқлари ва кўҳна қабристон мавжуд.

«Қирқчилтон» зиёратгоҳи. Мазкур зиёратгоҳ Жиззах тумани «Кўрпасой» маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Шўрбел қишлоғи яқинида жойлашган бўлиб, ҳудуди 7,5 гектарни ташкил этади. Янгидан ташкил этилган боғ ўртасида хонақоҳ бор.

«Хонбанди». Тарихий манзилгоҳлар тарихимизнинг ўтмиш замонларидан ғаройиб афсоналар, гўзал эртақлар суйлаб беради. Фориш тумани марказидан Банд шаҳарчасига қараб йўлингиз тушса, албатта ғаройиб, ҳам антиқа тарихий ёдгорликни - Хонбандини кўриш мумкин.

«Хонбанди» сув омбори икки юз йиллар чамаси фаолият кўрсатиб турганлиги эҳтимолланади. Чингизхон бостириб келган замонларда эса... бундай сув иншоотидан фойдаланишга имкон қолмаган, сув омбори қум билан, сел оқиндилари билан гулиб бўлган эди.

Боболар кўли билан тикланган ёдгорлик - қадамжо сифатида бутун жуда гавжум. Тарихий иншоот ўз гўзаллиги ва маҳобати билан кишиларни ҳали

ҳозир ҳам ўзига мафтун этади. Ёдгорлик асраб - авайланишга, қадрланишга муҳтожлик сезмоқда. Ёдгорлик ҳудуди 8,0 гектарни ташкил этади.

“Қобулмозор” зиёратгоҳи. Улуғ Соҳибқирон Амир Темур ўзининг қатор юришлари давомида Зомин ўлкаси орқали бир неча бор ўтади. Қатор жанглари ва ғалабаларини Зомин тоғларида жангу-жадал билан қўлга киритади. Зомин тоғлари қадимдан катта тарихий стратегик аҳамияти ва қолаверса гўзал табиати, маъданларга бойлиги, ов-шикор учун қулай, баҳаво ўлка бўлганлиги учун ҳам жуда кўп подшоҳлар ва ҳоконлар эътиборида бўлган.

«Қум ота» зиёратгоҳи. Зомин туманида Лайлак-уя қишлоғида жойлашган. Бугун бу ерда куним топтан зоти бобарокотнинг соғаналаридан унча узоқ бўлмаган жойда қадим қалъа қолдиқлари - хайратли тепалик бор, бу ўша Лайлакқон қалъасидир. Мавлоно Лутфуллоҳ соғанасининг ёнидаги қумлоқда ажойиб бир хислат намоён... Бел оғриғи, оёқ оғриғи, боди, жаъми тана-вужудида оғриғи бор кимсалар «Қум ота» га дардига шифо истаб қадам ранжида қиладилар, бу ердаги илоҳий мўъжиза туфайли дардларига дармон топадилар, сиҳатчиликка эришадилар. Зиёратгоҳ 3,2 гектарни ташкил этади.

«Бешбулоқ ота» зиёрат манзили. Зомин туманида Пишагар қишлоғининг устида археологик мнзиллар қуршовида жойлашган мазкур зиёрат манзили ўзининг шифобахш булоқ лари билан машҳур. Бу ердаги тепалик остида ғор - чиллаҳона бўлганлиги рост гап, ҳозирда мазкур чиллаҳона бутунлай кўмилиб кетган. Кўҳна манзиллар, эшонзодалар қабрлари бор.

Юқоридаги маданий-тарихий туристик ресурслардан ташқари Фориш туманида «Ҳасан ота», Ғаллаорол туманида "Саврук ота", Зомин туманида «Ғойиб ота», «Тошкесган ота», «Бешбулоқ ота», Бахмал туманида «Ҳожа Кундаланг» "Теракли ота", "Мачитли ота", «Малик Аждар» ("Моргузар ота"), Жиззах иккрида «Хужағозиён», «Бобоякка», «Хужамозор» ва бошқа кўплаб манзиллари борки, уларни ҳам ўрганиш, илмий тадқиқ этиш орқали вилоятда туризмни ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш мумкин.

3.2. Вилоятнинг рекреация - экотуристтик ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш

Жиззах вилоятининг табиати ўзига хос ландшафтларга эга бўлиб рекреация фаолияти ва экологик туризмни ривожлантиришга катта имконият туғдиради. Вилоят географик жиҳатдан Туркистон тоғ тизмасининг шимолий ён бағри, тоғ олди текистликларини Ўзбекистон республикасининг Қозоқистон республикаси билан бўлган чегараларида жойлашган. Рельефи тоғ, тоғ олди адир ҳудудлари ва дашт ва шимолда қумли чўл майдонларидан иборат. Ер юзаси рельефи тузилиши жиҳатларидан қуйидаги экотуристтик районларга бўлиниши мумкин:

I. Туркистон тоғ ёнбағрларидаги арчазор ўрмонлар экотуристтик райони.

- 1.1. Зомин миллий парки.
- 1.2. Зомин тоғ ўрмон давлат қўриқхонаси.
- 1.3. Зомин тоғлари экологик ландшафтлари.
- 1.4. Бахмал тоғлари ландшафтлари.

II. Молгузар тоғ тизмаларидаги сийрак арчазор ўрмонлари боғлиқ табиий ландшафтлар экотуристтик райони.

III. Нурота тоғ туманларининг шимолий-ғарбий қисмидаги тоғ ўрмонлари, ён тоқзорлар, табиат ландшафтлари билан боғлиқ экотуристтик район.

- 3.1. “Нурота” давлат қўриқхонаси.
- 3.2. Фориш тоғлари табиат ландшафтлари.
- 3.3. Қўйтош тоғларидан тош ҳайкаллар ва тоғ қойтошларидаги қадимий расмлар.

IV. Мирзачўл ботиғи ва текисликлар қисман шимолдаги қумли чўл экотуристтик райони.

V. Сув ҳавзалари экотуристтик райони.

- 5.1. Сангзор дарёси сув ҳавзаси

5.2. Зоминсув дарёси сув ҳавзаси

5.3. Арнасой кўли ҳавзаси

5.4. Айдаркўл ҳавзаси

5.5. Жиззах сув омбори

5.6. Арнасой давлат заказники (учиб келиб кетувчи қушларни муҳофаза қилади)

Келтирилган маълумотлардан маълум бўладики Жиззах вилояти ҳудудларида республикамизнинг барча табиий географик минтақаларидан ўзига хос бурчаклари ёки майдонлари бор. Вилоятдаги табиат ландшафтлар ҳозиргача экотуристлик мақсадларда ўрганилмаган, шунинг учун ҳам юқорида келтирилган экотуристлик районлар шартли бўлиниш ҳисобланади.

Энди биз халқаро экотуризм бозоридаги экотуристлик талабларни ва экотуристлик маҳсулотлар, экотуристлик хизматларга бўлган талабларни эътиборга олсак вилоятдаги экотуристлик ресурслар куйидагича таърифланиши мумкин:

1. Вилоятдаги давлат табиат қўриқхоналари ва давлат табиат буюртмалари экотуристлик ресурс сифатида.

1.1. “Зомин” миллий парки.

1.2. “Зомин” тоғ ўрмон давлат қўриқхонаси.

1.3. “Нурота” давлат қўриқхонаси.

1.4. “Арнасой” давлат табиат қўриқхонаси.

Зомин тоғ ўрмон давлат қўриқхонаси. Қўриқхона Туркистон тизма тоғлари ғарбий қисмининг шимолий ён бағрида, Кулсой ва Гуралассой ҳавзаларини ишғол этган. Жанубий Тожикистон билан чегарадош. Майдони 15,5 мингга, шундан 11,2 мингга арча ўрмонзорлари. Дастлаб 1926 йилда Гуралас тоғ арча қўриқхонаси номи билан ташкил этилган. Қўриқхонада тоғ ўрмонларини ва арча биологиясини ўрганиш, арчазорларни кўпайтириш, ҳайвон ва ўсимлик турларини сакдаб қолиш ишлари олиб борилади. Рельефининг мураккаблиги ва турли иқлим-тупроқ шароитларига кўра, қўриқхонада 3 ўсимлик минтақаси (дашт, ўрмон, субальп) мавжуд. Қўриқхона

худуди типик тоғли ўлка бўлиб, денгиз сатҳидан 1760-3500м баландликда (энг юқори нукта - Туралас тоғи 3560,5 м баландликда). Йиллик ўртача ёғин миқдори 400 мм дан ортиқ. Иқлими кескин континентал, максимал ҳарорат ёзда 33°, кийда 35-38°.

Қўриқхона ҳудудида арчазорларнинг куйи қисмида (1900-2700 м) Зарафшон арчаси ва қора арча, ўрта қисмида (2100—2800 м) совур арча, юқори қисмида (2100—3200 м) ўрик арча ўсади. Булардан энг кўп учрайдигани совур арчадир. У қора арча ва ўрик арча орасида ҳам ўсаверади. Қўриқхонада 180, ҳатто 400 ёшга кирган арчалар бор. Арчадан ташқари Тяньшан четани, Туркистон қайини; буталардан зирк, наъматак, учкат, иргай, тобулғи ўсади. Қўриқхона ҳайвонот дунёси хилма-хил. Қўриқхонада Республика Қизил китобига киритилган Туркистон силовсини, октирноқли айиқ арҳар, барс шунингдек, бўри, бурсиқ, тулки, жайра, тўнғиз ва бошқалар яшайди. Қўриқхона ҳудудида ўсимликларнинг 720, турли қушларнинг 130, сут эмизувчиларнинг 37 тури, судралиб юрувчилардан, балиқнинг бир тури тавсифланган.

Паррандалардан пушти шак-шак., тўртай, микий, зарча, загизхон каклик, бедана, болтатумшук, говкаптар, ғуррак, туркистон уккиси, бойқуш. ва бошқалар бор. Қўриқхонада унинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ўрганиш бўйича илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган тадқиқот ишлари олиб борилади.

Зомин миллий парки. Зомин миллий - Зомин тоғ ўрмон минтақасида қишги спорт турлари маркази, соғломлаштириш спорт мажмуаси тарзида 1976 йилда ташкил этилган. 1978 йилда «Ўзбекистон халқ боғи» номи берилган. Таркибига Зомин ўрмон хўжалигининг Зомин участкаси, Ўрмон хўжалигининг Кўлсой таянч пункти, Зомин тоғ-ўрмон давлат қўриқхонаси кирган. Умумий майдони 24,1 минг га (2002).

Зомин миллий парки Зомин туманида, асосан, Туркистон тоғ, қисман Молғузар тоғнинг 1000-4030 м гача бўлган баландликларида жойлашган. Унинг геоморфологик ландшафти ҳар хил бўлиб, табиий шароитлари тоғ

баландлик поясларига боғлиқ ҳудудининг геологик тузилишида энг юқори табақани ҳар хил палеозой (сланец, оҳақ, кум-тошлар) ётқизиклари ташкил қилади. Палеоген ва неоген ётқизкилари ҳам кенг ривожланган. Айниқса кенглиги 500 м ва чуқурлиги 450 м тенг бўлган Чўртанга жарлигидаги шаршара, Супа текислиги туристик жиҳатдан катта эътиборга эга.

Бу боғ ҳудудида асосан Сангзор ва Зоминсув дарёси хавзалари жойлашган. Умуман боғнинг гидрографик тармоқлари унчалик қалин эмас. Халк боғнинг умумий иқлими континентал ва қурғокчил. Боғ ҳудудида Сангзор —1307 м, Кўлсой - 2100 м, Гуралаш - 2260 м ва Шаҳристон - 3200 м метеорологик стаялари жойлашган. Тоғ олди ерларида йиллик ёғин миқдори 353 мм, баланд тоғларда 348 мм, ўрта тоғларда эса 405 мм га тенг, уларнинг 50—60 баҳор фаслига тўғри келади. Ҳавонинг йиллик ўртача нисбий намлиги 30-35% ташкил қилади, ўртача йиллик Ҳарорат кўрсаткичи $21,7^{\circ}$ - $26,3^{\circ}$ га тенг. Кўлсой Шохистон пунктларида июнь ойининг ўртача ҳарорати $21,9^{\circ}$ - $9,9^{\circ}$ га тенг.

Боғда тук, кулранг, оч жигарранг, арча ўрмонзор тупроқлари, юқори тоғ яйтов. утлоқи-ботқоқи, ўтлоқи тупроқлар турлари учрайди. Ўсимликлар дунёси дашт, арча ўрмонзорлари, тоғ ксерофитлари ва субальт поясларидан иборат. Арчазорлар боғ майдонининг 55% ташкил қилиб, 2000-3000 м баландликларда жойлашган. Бу ерда арчанинг зарафшон (қора арча), совур арча ва туркистон арчалари турлари тарқалган. Боғ минтақаларида 400 ёшли ва ундан катта арчаларни учратиш мумкин. Айниқса боғ ҳудудида доривор ўсимликларнинг 30 дан ортиқ, тури, лолаларнинг кўплиги, мевали буталарнинг кенг тарқалиши эътиборга сазовор. Умумий ўсимликлар турлари сони 100 дан ортиқ боғда дарахтларнинг 8, буталарнинг 15 ва ўт - ўланларнинг 220 дан кўпроқ турлари учрайди.

Ҳайвонот дунёси боғнинг ландшафтига қараб мослашган, аммо уларнинг тарқалишида алоҳида чегара йўқ, Пастки тоғ ландшафтларида (400-2000 м) тулки, қуён, чўл бўриси, бурсик, ўрта тоғ ландшафтларида оқ тирноқли айик, ёввойи тўнғиз, тулки, қуён, бўри, баланд боғ- роғларда айик, тўнғиз, ўрта

осиё тоғ эчкиси, Северцев кўйи, оқ, сувсар, силовсин; уй сичқони, ўрмон сичқони, арчазор сичқони, олмахон; кушлардан чуғурчук, бургут, майна, сава кўк карға, зағизгон, сарик, чумчук, бул-бул, чуғурчук, бургут, улар, кирғий, ўкки, сава, лойхўрак, кабўтар бор. Зоминсув ва Сангзор ирмоқлари бўлган сойларда маринка ва шох, балиқлар сув; илонлардан сарик, илон, сув илони, чипор илон, қалқон тумшук, илон, туркистон атамаси ва сув бақалари учрайди.

Нурота давлат қўриқхонаси. Жиззах вилоятининг ғарбий қисми (Фориш тумани)да, Нурота тоғининг шимолий ён бағрида жойлашган қўриқхона. 1975 йилда ташкил этилган. Майдони 17752 га, шу жумладан, ўрмонлар билан қопланган тоғининг 2599 га (2001), денгиз сатҳидан 530-2100 м баландликда. Асосий вазифаси шу ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш, Халқаро ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган архарнинг Осиё кўйи турига мансуб Северцев кўйи (Қизилқум кўйи) популяциясини ҳамда ёнғокнинг табиий хилма-хиллигини сақлашдан иборат.

Қўриқхонада ўсимликларнинг 629 тадан, кушларнинг 195 тадан, ҳайвонларнинг 60 тадан ортик, тури бор. Уларнинг кўпчилиги эндемик (лола турлари, анзур пиёзи). Ёнғок дарахтлари билан бирга ёввойи олма, қайрағочлар ўсади. Буталар қоплами, асосан, Туркистон дўланаси, қизил, учкат, зирк, иргай, ёввойи тоқлардан иборат. Қўриқхона ҳудуди табиат манзараларига, археологик топилмаларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради: қоятош (тоғ кўйини овлаш) суратлари, Мажрум-сойдаги танаси йўғонлиги 8,5 м келадиган шарқ биотаси дарахти (ёши тахминан. 1000 йилдан ортик) каби ёдгорликлари бор. Архарлар сони 500 дан кўпроқ.

II. Бетакрор тоғ арчазор ўрмонлари табиати экотуристтик ресурслар сифатида.

2.1. Туркистон тизмали тоғлари шимолий ён бағридаги арчазор ўрмонлари.

2.2. Молгузар тоғ туманларидаги сийрак арчазор ўрмонлари билан боғлиқ табиат ландшафтлари.

2.3. Нурота тоғ тизмаларидаги арчазор, ён тоқзор ўрмонлари

2.4. “Зомин” тоғларидаги арчазор ўрмонлари

2.5. “Бахмал” тоғлари арчазор ўрмонлари

2.6. “Фориш” тоғлари табиат ландшафтлари

2.7. “Қуйтош” тоғларидаги тош ҳайкаллар ва қоятошдаги қадимий расмлар.

2.8. Мирзачул ва қумли чўл табиат ландшафтлари

III. Сув ҳавзалари экотуристик ресурслар сифатида.

3.1. Сангзор дарёси сув ҳавзаси.

3.2. Зоминсув дарёси сув ҳавзаси.

3.3. Жиззах сув омбори.

3.4. Арнасой кўли ҳавзаси.

3.5. Айдаркўл сув ҳавзаси.

Зоминсув - Зомин туманидаги сой. Юқори оқимида Еттикечув, Дуоба қишлоғи яқинида Санганаксой, Зомин шаҳарчаси яқинида Зоминсув деб аталади. Туркистон тизма тоғининг қарийб 2500 м баландликдаги шимолий ғарбий ён бағирларидан бошланувчи Ўриклисой, Галдиравут, Еттикечув ва бошқа сойларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Зоминсув Сирдарё Ховос-Жиззах темир йўлга етмасдан Қўштамғали қишлоғидан 3,5 км жанубий шарқда тугайди. 58 км, ҳавзасининг майдони. 704 км². қўпроқ, қор, ёмғир ва булоқ, сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 1,83 м³/сек. (Дуоба қишлоғи яқинида), энг катта сув сарфи 16,8 м³/сек (1969. 28. 05). Тўлинсув даври (апрел-август) да йиллик сарфининг 60-65% оқиб ўтади. Энг серсув ой-июнда ўртача сув сарфи 4,56 м³/сек га тенг. Зоминсувдан Зомин шаҳарчаси, Дуоба, Еттикечув, Қушчи ва бошқа қишлоқлар сув ичади, экин майдонлари суғорилади.

Жиззах сув омбори - Жиззах шаҳридан 9 км жанубий-шарқда, Ёйилмасой жарлигида жойлашган. 1963-68 йилларда қурилган. Майдони 12,7 км², чуқурлиги 26 м, сув ҳажми 87,5 млн. м³, кенг жойи 5,1 км, узунлиги 3,3 км. Сув омборига 25 м³/сек сув келтирадиган (узунлиги 9 км) ва сув


омборидан 10 м³/сек сув чиқарадиган (узунлиги 15 км) канал қурилган. Жиззах сув омборига Сангзор дарёсининг суви тўпланади. Сув омбори Жиззах туманидаги 15 минг га дан ортган ерни сув билан таъминлайди.

3.3. Вилоятда туризмни ривожлантириш истиқболлари

Ҳозирги даврда иқтисодиётимизни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашда янги иш ўринларини очиш катта аҳамият касб этмоқда. Бу ҳолат кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш лозимлигини тақозо қилмоқда. Чунки бизнинг шароитимизда кичик бизнес янги иш ўринларини яратиш, иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортигини ташкил этмоқда.

Шу сабабли Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади³. Шунинг учун қайси тармоқларда янги иш ўринлари очиш имконияти бўлса, ундан самарали фойдаланиш лозим. Туризм ҳам республикамиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт ва бошқа макроиқтисодий тармоқлар қатори ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши учун етарлича ресурсларга эга. Шу сабабдан мамлакатимизга хорижий туристларнинг қизиқиши йилдан-йилга ошмоқда (3.1- расм.)

³Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғофуров У.В., Тухлиев Б.К. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 90 б.




3.1-расм. 2006-2010 йилларда Ўзбекистон республикасида туристларга хизмат кўрсатиш сиғими(минг киши хис.)

Мазкур расмдан кўриш мумкинки, хорижий туристлар ташрифи ўтган йилларга нисбатан ўсиб борган. Лекин шу аҳволда ҳам ЯИМда туризмнинг улиши юқори эмас.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, «Ўзбектуризм» МК томонидан хизмат кўрсатилган хорижий туристлар сонининг 2000-2010 йиллар давомидаги ўзгариш суръати турли тенденцияга эга. Жумладан, унинг миқдори 2000 йилдан 2007 йилгача камайган ҳолда амалга оширилган, 2007 йилдан бошлаб кескин ошиб бориши кузатилмоқда ва 2010 йилда 2000 йилга нисбатан 138,1 %ни ташкил қилган. Агар ушбу ўзгаришни йилма-йил таҳлил қиладиган бўлсак, туристик хизматларнинг 2001, 2002 ва 2005 йилларда ўзидан олдинги йилга нисбатан камайганлиги кўзга ташланади.


Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун йирик туристик салоҳиятга ва ресурсларга бой ҳудудлардан бири Жиззах вилояти ҳисобланади. Мазкур вилоятда туризмнинг барча турлари мавжуд. Юқори туристик салоҳият ва бой туристик ресурслар билан Жиззах вилоятининг улуши қандайлигини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.



3.2-расм. 2006-2010 йилларда Жиззах вилоятида хизмат кўрсташ ва туризм соҳасидан тушадиган даромадлар кўрсаткичи (млн. сўм хис.)

Мазкур расмдан маълумотларидан кўриниб турибдики, шу таҳлил қилинган 2000-2010 йиллар давомида Ўзбекистоннинг туризм хизматларидан олган даромади кескин ўсган. Худди шундай тенденция Жиззах вилоятида ҳам кузатилган. Шунинг эътирофи этиш керакки, вилоятнинг улуши туристик хизматлар таркибида ҳам муттасил ошиб борган.


Таҳлилотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг туризм хизматлари таркибида, агар уларни хизмат кўрсатилган туристлар сони бўйича олган тақдирда 2000-2010 йиллар давомида Жиззах вилояти улуши ошиб борган. Бу ерда туристик хизматларнинг суммасига нисбатан туристлар сони бўйича бир мунча ўзгариш сезилмоқда (3.3-расм). Мазкур графикдан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг туризм хизматларида хизмат кўрсатилган туристлар сони бўйича таҳлил қилинганда 2000-2010 йиллар давомида Жиззах вилоятининг улуши турли ўзгаришлар асосида содир бўлган. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори 2006 йилдан бошлаб кўпайиб борган.



3.3-расм. 2006-2010 йилларда Жиззах вилоятида хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасидан тушадиган фойданинг кўрсаткичлари (млн. сўм хис.)

Туристик хизматларнинг таркибида турхизматлар экспортининг аҳамияти катта. Бу нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки ижтимоий-маданий ва сиёсий жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир. Чунки мазкур хизматлар орқали мамлакатимиз дунёга танилади, халқлар ўртасида маданий алоқалар ўрнатилади, мамлакатимизнинг иқтисодий юксалиши учун замин ҳозирланади, валюта тушуми кўпайиши билан бирга бошқа давлатлардан инвестицияларнинг кириб келиш жараёни ҳам содир бўлиши мумкин.

Шу туфайли Ўзбекистоннинг туризм хизматларида турхизматлар экспорти бўйича 2000-2010 йиллар давомида Жиззах вилояти улушида содир бўлган ўзгаришларни ҳам тадқиқ қилишни мақсадга мувофиқ деб топдик (3.4-расм). Ушбу графикда таҳлил қилинаётган ҳолат яққол кўриниб турибди. 2006-2010 йилларда тизимли равишда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу ҳолат Жиззах вилоятида туризмга масъулларнинг турхизматлар экспорти бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозимлигини тақозо қилади.



3.4-расм. 2006-2010 йилларда Жиззах вилоятида хизматлар экспортининг кўрсаткичлари (АҚШ доллари хис.)

Вилоятда туризмни ривожлантириш истиқболлари Ўзбекистон Республикасида экотуризмни ривожлантириш муаммолари билан боғлиқ муаммолар ҳисобланади. Вилоятда туристик-рекреация ресурслари салоҳияти жуда катта ҳисобланади. Вилоят ҳудудларида республикамиздаги табиий географик минтақаларининг хусусиятларини кичик микро даражадаги табиий экологик майдонлар мавжуд. Вилоятнинг энг муҳим экотуристтик ресурсларидан бири – Нурота тоғ-ўрмон давлат қўриқхонасида ноёб ҳайвон “архар сақланмоқда ва кўпайтирилмоқда.

Зомин тоғларидаги арчазор ўрмонлар Зомин давлат табиат қўриқхонасида “қизил китоб” даги ноёб ҳайвонлар муҳофаза қилиниб кўпайтирилмоқда.

Табиатимизни бетакрор тоғ ва чўл ландшафтлари ҳақида ҳам қайд қилинган чекловларни келтириш мумкин. Экологик туризмни ривожлантириш учун экологик туризмнинг асосий ресурсларидан фойдаланиши имкониятларини таҳлил қилиб экотуризмдаги муаммолар қуйидагилар эканлиги маълум бўлди:

- Ўзбекистонда экотуризмнинг асосий ресурслари давлат муҳофазасида эканлигидан бу экоресурслардан ҳозирча фойдаланиш имкониятлари деярли йўқ ҳолатда.
- Республикадаги асосий экотуризм ресурсларига туристик маршрутлар ишлаб чиқиш қониқарсиз ҳолатдагини алоҳида таъкидлаш зарур.
- Кўриқхоналар, заказниклар ва миллий паркларда экотуризм сўқмоқлари, маршрутлари ва маршрутларда туристларга хизматлар кўрсатиш, дам олиш ва тунаш манзилларини яратишга ҳалигача киришилган эмас.

Республикада экологик туризм ресурсларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий-қонуний меъёрлари ҳозиргача етарлича ишлаб чиқилмаган. Шу сабабдан:

1. Вилоятда экотуризм соҳасида хизмат қилувчи, жаҳон талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда, ёш мутахассисларни экотуризм ривожланган мамлакатларга (АҚШ, Япония, Канада, Франция, Германия) малакаларини ошириш учун ўқишга, ишга юбориш лозим.

2. Жаҳон андозалари ва талабаларини мос келадиган илмий ва иқтисодий асосланган катта кичик, қисқа ва ўзоқ муддатга мўлжалланган лойиҳалар ва бизнес режалар ишлаб чиқиб амалга ошириш лозим. (имтиёзли кредит асосида).

3. Вилоятда экотуризмнинг жаҳон талабларига жавоб бера оладиган моддий-техник, ахборот таҳлилий базасини яратиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш зарур.

4. Вилоятнинг тарихий ёдгорликлари, гўзал ва бетакрор табиати, ландшафти, наботот ва ҳайвонот дунёси ҳақида буклетлар, туристик атлас ва хариталар ёрдамида дунё экотуризм бозорида тарғибот ишларини амалга ошириш лозим.

5. Вилоят бўйича янги экотуристтик дастурлар йўналишлар ва хариталар тузиш керак.

6.Экотуризм соҳаси билан боғлиқ ташкилотларга кўпроқ ҳуқуқлар, имтиёзли солиқлар бериш, чет эл сайёҳларига виза олиш ишларини соддалшатириш, табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунга экотуристларга нисбатан ҳуқуқий назорат ишларини енгиллаштириш бўйича айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Вилоятда диний туризмни ривожлантиришдаги истикболлар шундан иборатки, биринчидан вилоятда диний зиёратгоҳ туризмни ривожлантириш ишлаб чиқиш режалари тайёрлаганича йўқ. Ҳозиргача вилоятда 40 та таниқли азиз авлиёларнинг қадамжолари, дахмалари ёки улар билан боғлиқ муққадас жойлар рўйхатга олинган таъриф ва тавсифлари ёзилган.

Ҳозирги кунда ушбу зиёратгоҳларни саноқлиларидан фойдаланилмоқда. Масалан, Ғаллаорол туманидаги “Авлиё ота- Саъд ибн Ваққос зиёратгоҳи” баҳор ёз-куз ойларида ҳар куни гавжум. Жиззахликлар ва қўшни вилоятдагилар бу ерда ташкил қилинган хизматлардан доимо миннатдорлигини изҳор қилишиб юради. Иккинчидан, ушбу зиёратгоҳга текис, сифатли йўл етказилган, рекламаси оғзаки ҳолда бўлса ҳам халқ орасида оммавийлашган. Чой ва овқатлантириш хизматлари, идиш-товоқ, палас, кўрпа ва ёстиқлар арзон нархда берилади, ўтин билан таъминланади. Демак, вилоятдаги барча диний зиёратгоҳлардан фойдаланиш учун ушбу жойларгача йўлларнинг сифати яхшиланиши, зиёратгоҳда овқатлантириш ва жойлаштириш хизматлари ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Эътиборлиси шундаки “Авлиёота” зиёратгоҳида эркаклар учун алоҳида хотин-қизлар учун алоҳида ҳожатхона, таҳоратхоналар ва намозхоналар барча шарт-шароитлари билан яратилган. Бундай шароитлар туризмда ижора тузилмалар дейилади.

Ҳозирги вақтда Жиззах вилоятида диний зиёратгоҳ туризмни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар қуйидагилардан иборатлиги аниқланди:

1.Вилоятлар диний зиёратгоҳлардан туризмда фойдаланиш режалари ишлаб чиқилмаган.

2.Вилоятда кўплаб зиёратгоҳларга олиб борадиган йўллар, маҳаллий йўллар даражасида бўлиб енгил машиналарнинг катновини қийинлаштирмоқда. Биринчи навбатда ушбу йўллар таъминрланишини талаб қилмоқда. Чунки зиёратгоҳларнинг барчаси тоғлар олдидаги ва сойларда жойлашган.

3.Вилоятдаги диний зиёратгоҳларга қизиқувчиларни, зиёратчиларни олиб бориб келувчи туристик экскурсия хизматлари ташкил қилинмаган.

4.Вилоятдага кўплаб диний зиёратгоҳларда, мукаддас қадамжоларда зиёратчилар ва дам олувчилар учун овқатлантириш, жойлаштириш таҳорат олиш, намоз ўқиш ёки бошқа ибодатлар қилиш шароитлари яратилмаган.

5.Энг муҳими вилоятдаги кўплаб диний зиёратгоҳлар ҳатто вилоятнинг ҳудудлари миқёсида тарғибот ва ташвиқот қилинмаган. Шу сабаб вилоят аҳолиси ўзлари яқин масофаларда жойлашган зиёрат масканларига беришади. Бу ҳолатни тузатиш учун вилоятнинг газетасида хусусий газеталарда, радио ва телевиденияда доимий тарғибот ва реклама ишларини олиб бориш талаба қилинади.

6. Вилоятдаги диний зиёратгоҳ ресурсларидан туризм мақсадаларида фойдаланишга мўлжалланган туристик маршрутлар ишлаб чиқилмаган. Бундай туристик маршрутлар ҳам реклама ўрнини ҳам бориладиган зиёратгоҳнинг ўрнини бажаради.

Жиззах вилоятида диний–зиёратгоҳ масканларга туристик маршрутлар диний-зиёратгоҳ манзилларининг зиёрат мақсадларига қараб гуруҳланган ҳолда ишлаб чиқилиши тўғри бўлади. Ҳозиргача тўпланган маълумотлар бўйича диний-зиёратгоҳ масканларга қуйидаги йўналишларни ҳисобга олиб туристик маршрутлар тузиш ёки ишлаб чиқиш мумкин деб ҳисолаймиз:

- диний-зиёратгоҳ масканларга туристик маршрутлар ишлаб чиқиш;
- ҳар хил руҳий ўзгаришлардан шифо топиш учун туристик маршрутлар ишлаб чиқиш;

- фарзанд тилаб зиёрат қиладиган туристик масканларга туристик маршрутлаб ишлаб чиқиш;
- касб-корликка омад сўраб зиёрат қилинадиган туристик объектларга туристик маршрутлар ишлаб чиқиш;
- умумий ҳолатда авлиёлар даҳмаларига зиёрат учун туристик маршрутлар ишлаб чиқиш.

Жиззах вилоятидаги диний-зиёратгоҳ масканларига қайд қилинган туристик маршрутлар ишлаб чиқишда маршрутни мавзули қилиш ва бу ҳақда маълумотларни тўлиқ маршрутга ёзиш зиёратчиларга керакли маълумотларни беради. Аҳоли ўртасидаги сўров натижаларидан маълум бўлдики, Жиззах вилоятидаги аҳоли ҳам вилоятдаги диний-зиёратгоҳ масканлар ҳақида оғиздан-оғизга кўчиб юрувчи маълумотларни билишади халос. Туманларга яшаётган аҳолилар ҳатто қўшни тумандаги диний-зиёратгоҳ масканлар ҳақида эшитишган лекин бу зиёратгоҳларнинг муқаддас мақсадлар, сиғиниш мақсадларини ёки бу зиёратгоҳларда абадий кўним топган азиз авлиёларнинг кимлар эканлигини билишмайди. Шунинг учун вилоятдаги диний-зиёратгоҳ масканларга туризм маршрутларини ишлаб чиққанда ҳар бир зиёратгоҳ ҳақидаги маълумотларни тўлиқ киритиш мақсади бўлади.

Диний - зиёратгоҳ масканларга туристик маршрут ишлаб чиқилганда маршрут ахборотномасида ва маршрут схемасида, технологик харитасида ва маршрутнинг рекламасида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим.

1.Маршрутда дастлаб зиёратгоҳ жойлашган манзилнинг маъмурий–географик жиҳатдан жойлашган ўрни.

2.Маршрутдаги транспорт хизматлари зиёратгоҳ жойлашган манзилга махсус ёки оммавий транспорт воситалари билан етиб бориш ва йўл шароити.

3.Зиёратгоҳнинг муқаддаслиги хусусиятлари.

4.Зиёратгоҳ масканларда овқатланиш имкониятларининг борлиги ва қандай даражада эканлиги.

5.Зиёратгоҳ жойларда тунаш имкониятларининг борлиги ёки йўқлиги.

6.Зиёратгоҳ жойларда ибодат қилиш (тахорат олиш, намоз ўқиш ва бошқа) шароитларининг борлиги ёки йўқлиги.

7.Маршрут трассаси: автомобилда, пиёда, қисман автомобилда, қисман пиёда.

8.Зиёратгоҳ манзили ҳақида рангли расмларнинг келитиришининг шартлиги.

9.Зиёратгоҳда дам олиш шароитининг борлиги ёки йўқлиги.

10.Маршрут ва маршрутда хизмат кўрсатувчи фирмаларнинг адреси, раҳбарлари ва фирманинг телефон рақамлари.

11.Маршрут давомида соғлиқни сақлаш ёки биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари марказларининг адреслари, телефонлари.

12.Туристик маршрутнинг баҳоси (транспорт хизматлари, овқатлантириш, экскурсия ва бошқа хизматлар)

Ушбу талабларни ўзида мужассамлаштирган маршрут туристларнинг барча эҳтиёжларини қондириш талабларини қамраб олади. Саёҳатчилар, зиёратчилар қўшимча савол беришга, суриштиришга мажбур қилмайди. Албатта ҳар бир экотуристик зиёратгоҳ маршрутларида ахборотларнинг тўлиқлиги ҳар доим ижобий натижалар беради.

Жиззах вилоятида туризмни ривожлантиришда экологик маршрутларни алоҳида экологик объектлар бўйича ишлаб чиқиш мумкин ва диний - зиёратгоҳ туризм объектларига ҳам алоҳида туристик маршрутлар ишлаб чиқиш мумкин. Шунингдек экологик объектлар ва диний - зиёратгоҳ объектларига биргаликда туристик маршрутларни ишлаб чиқиш мумкин. Бундай туристик маршрутлар мажмуали туристик маршрутлар бўлади.

Чунки, Жиззах вилоятидаги диний-зиёратгоҳ ва муқаддас жойларнинг деярли барчаси сўлим тоғ бағридаги сойларда булоқлар атрофида жойлашган. Ҳозирда зиёратчилар оила аъзолари билан эрат тонгдан зиёрат қилиб сўнгра куни билан бундай жойларда сайр қилиши дам олишмоқда. Вилоятдаги экологик ва диний туризм маршрутларининг рекламаси аввало

ана шу маршрутларнинг ўзи бўлади. Лекин ушбу маршрутлардаги объектлар алоҳида буклетларда, телевиденияда реклама қилиниши ҳам мақсадли бўлади. Умуман олганда, турмаршрутнинг –турнинг бозори чакқон бўлиши учун рекламага алоҳида эътибор бериб, улар тўғрисида газета, журнал, радио, ҳар хил катта–кичик афишалар ва телевидениядан фойдаланилса вилоятда ички ва халқаро туризмни ривожлантириш истикболлари ошади деб ҳисоблаймиз.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Магистрлик диссертацияси ишининг мақсади ва вазифаларини бажаришда ва ишни шакллантиришда олинган натижалар қуйидаги хулосаларни келтириб чиқарди:

1. Вилоят экологик ва диний-зиёратгоҳ туризмни ривожлантириш ресурслари салоҳиятига бойлиги ҳамда вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туризм муҳим аҳамият касб этиши, хусусан табиатимизни асраб-авайлаш, эътиқодни мустаҳкамлаш, тўғри тарбияни шакллантириш, янги иш ўринларини яратиш, ободончиликни кучайтиришга олиб келиши аниқланди.

2. Вилоятда бетакрор ва биологик хилма-хил экотуристик ресурслар рўйхатга олинди. Шунингдек, вилоятдаги экологик туризм ресурслари 3 та табиий ландшафт гуруҳларини ташкил қилади. Шундан, 1 – гуруҳда 4 та, 2 – гуруҳда 8 та ва 3 – гуруҳда 5 та, жами 17 та табиий ландшафт кўринишидаги экологик туризм ресурслари бор.

3. Вилоятдаги диний-зиёратгоҳ туризм ресурсларидан 36 та объект рўйхатга олинди. Бу зиёратгоҳларнинг ва муқажжас қадамжоларнинг қисқача тавсифлари ёзилди.

4. Вилоятда экологик туризмни ривожлантиришда экотуристик маршрутлар ишлаб чиқиш усуллари ишлаб чиқилди ва экологик туризм маршрути тавсия қилинди.

5. Вилоятда диний-зиёратгоҳ туризмни ривожлатириш йўллари кўрсатилди ҳамда вилоятдаги азиз авлиёлар, муқаддас қадамжоларга туристик маршрут ишлаб чиқиш орқали туризмни ривожлантириш истиқболлари ёритилди.

Магистрлик диссертацияси ишини шакллантирида тўпланган маълумотлар, илмий адабиётлар ва ўтказилган тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ишининг хулосаларини кўриб чиқишга асос бўлди. Жиззах вилоятида экологик туризмни ривожлантириш учун қуйидаги йўналишларда экотуризм маршрутларини ишлаб чиқиш самарани беради:

- “Зомин” миллий боғи ва “Зомин” тоғ ўрмон давлат қўриқхонасига экотуристик маршрут;
- “зомин” тоғ-арча ўрмонлари ва Бахмал тоғи ўрмонларига экотуристик маршрут;
- “Нурота” тоғ туманларининг ўрмон ландшафтлари ва “Нурота” давлат қўриқхонасига экотуристик маршрут;
- Айдаркўл ва Арнасой кўлига экотуристик маршрутлар;
- Вилоятнинг “Авлиё ота”, “Сайфин ота”, “Ғубдин ота” , “Жондахор ота” зиёратгоҳларида диний - зиёратгоҳ маршрут;
- Вилоятнинг Бахмал туманида жойлашган “Ўснат ота”, “Новқа ота”, “Боғимозор”, “Хўжа кўндаланг”, “Теракли ота”, “Мачитли ота” зиёратгоҳларига диний-зиёратгоҳ маршрутлар ишлаб чиқиш диний туризмни ривожлантиришга асос бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1992.- 46 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи, 1999 йил 14 сентябрь.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. // Халқ сўзи, 1995 й. 3 июнь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги Фармони. // Халқ сўзи, 1999 й. 1 октябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. // Халқ сўзи, 2006 йил 18 апрель.

1.3. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Халқаро ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари ва Қўмиталари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // Халқ сўзи, 1995 й. 4 июнь.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // Халқ сўзи, 1995 й. 4 июль.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнеси ва халқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // Халқ сўзи, 2002 й. 3 сентябрь.
9. «Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси» // Экология хабарномаси. – Тошкент, 2007. - № 6.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 176 б.
11. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 80 б.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011

III. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

13. Александрова Ю.А. Международный туризм. Учебник для ВУЗов. – М.: Аспект пресс, 2001.- 464 с.
14. Алиева М.Т., Умаржонов А. Туристик мамлакатлар иқтисодиёти. – Т.: Молия. 2005. - 339 б.
15. Биржаков М.Б. Введение в туризм. - М-СПб.: Невский фонд, 2005.- 387 с.
16. Боголюбов В.С., Орловская В.П. Экономика туризма. - М.: Финансы и статистика, 2005. – 151 с.
17. Быстров С.А., Воронцова М.Г. Туризм: макроэкономика и микроэкономика. – СПб.: «Издательский дом Герда», 2008. – 464 с.
18. Ибадуллаев Н.Э. Ўзбекистоннинг туристик ресурслари. Маърузалар курси. – Самарқанд, СамИСИ, 2008. -114 б.
19. Квартальнов В.А. Туризм: учебник.-2- изд., перераб. – М: Финансы и статистика, 2007.-336 с.
20. Квартальнов В.А., Теория и практика туризма. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 672 с.
21. Комилова Ф.Қ. Халқаро туризм бозори. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2006
22. Маматқулов Х.М. Халқаро туризм. Маърузалар матни. – Самарқанд, 2008. - 345 б.
23. Маматқулов Х.М. Туризм ва сервисга оид изохли луғати. СамИСИ. 2010. - 362 б.
24. Mamatqulov X.M., Bektemirov A.B., Tuxliyev I.S., Norchayev A.N. Xalqaro turizm. Darslik. – Т.: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2009. - 192 b.
25. Муаллифлар жамоаси: Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечими. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008. – 259 б.
26. Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. – Самарқанд, Сам ИСИ — 2006. – 137 б.
27. Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туризм асослари. – Самарқанд, Сам ИСИ — 2006. -78 б.
28. Пардаев М.Қ., Атабаев Р., Пардаев М.Р. Туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари. – Т.: Фан ва технология, 2007.- 32 б.

29. Солиев А.С., Усмонов М.Р. Туризм географияси. – Самарқанд, СамДУ, – 2005. -131 б.
30. Ташмуратов Т., Саидов А., Умаркулов Э. Туризм иқтисоди. –Т: ТМИ, 2000.-200 б.
31. Tashmurodov T. Xalqaro turizm. - Т.: Turon – Iqbol, 2007 у.- 320 б.
32. Тураев Б.Х. Теоретико – методологические основы развития туризма. - Т.: изд. «Фан», 2008. – 166 с.
33. Тухлиев И.С. ва бошқалар. Туризм асослари: Услубий қўлланма – Самарқанд, СамИСИ, 2008- 247 б.
34. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Ибодуллаев Н.Э., Амриддинова Р. Туризм асослари: Ўқув қўлланма – Самарқанд, СамИСИ, 2010- 247 б.
35. Тухлиев Н.Т., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. - Т.: Ўқитувчи, 2000. -368 б.
36. Тухлиев Н.Т., Таксанов А. Экономика большого туризма. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2001.-208 с.
37. Тухлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. - Т.: ГНИ «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2006.- 416 с.
38. Тухлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. - Т.: ГНИ «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2006. - 423с.
39. Тухлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. - Т.: ГНИ «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2006. – 368 с.
40. Тухлиев Н.Т., Абдуллаева .Т. «Формальности в системе туризма Республики Узбекистан» - Т.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2007. – 368 с.
41. Файзиев Э.С. Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола. - Т.: «Фан ва технология», 2007. – 16 б.
42. Хошимов М.А. Религиозные памятники Центральной Азии. - Алматы. САГА, 2001. -237 с.
43. Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма России в современных условиях: учеб. пособ. – М.: КНОРУС, 2007. – 416 с.
44. Эштаев А.А., Норчаев А.Н., Рўзиев С.С. Ўзбекистон Республикасида туризм хизмати ва сервис соҳасини ривожлантириш йўллари. – Т.: ТДИУ, 2007. – 38 б.
45. Қудратов Ғ.Х., Тухлиев И.С. Туризм иқтисодиёти. – Самарқанд, СамИСИ., 2007. -71 б.
46. Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. – Т.: Фан ва технология, 2007. – 20 б.
47. Ҳайитбоев Р., Амриддинова Р. Туризмнинг махсус турлари. Услубий қўлланма. – Самарқанд. СамИСИ, 2008. – 47 б.
48. Ҳайитбоев Р., Саттаров А. Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш технологияси. Маърузалар матни. – Самарқанд, СамИСИ, 2009. – 87 б.

IV. Диссертация ва диссертация авторефератлари

49. Усмонов М.Р. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари (Самарқанд вилояти мисолида). География фан. номзоди дис. афтореферати. – Т.: ЎзМУ, 2003. – 25 б.
50. Ибадуллаев Н.Э. Туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, СамИСИ, 2010. - 156 б.

V. Илмий мақолалар ва конференция тезислари

51. Гольшева Е.В. Оценка использования ресурсного потенциала туризма Узбекистана. // «Актуальные проблемы туризма – 2009». Ежегодный сборник научных трудов НК «Узбектуризм». - Ташкент, 2009. - №1.– 83 с.
52. Назарова К., Камилова Ф. Ўзбекистонда туризм имкониятларини кенгайтириш. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, - Тошкент, 2000. -№9. - 48-49 б.
53. Норчаев А.Н. Қутлимуротов Ф.С. Халқаро бозорда миллий туризм. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2001. - №2.-52-53 б.
54. Шомуротова Н. Ўзбекистонда экологик туризм имкониятлари. //Экология хабарномаси. – Тошкент, 2005.- № 5. – 11-12 б.